# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

3 сон

16 — 22 январ 2003 йил

ҲАР ҲАФТАНИНГ ПАЙШАНБА КУНЛАРИ СИЗНИНГ БЕҒАРАЗ СУҲБАТДОШИНГИЗ




## ОИЛАНИ МУҚАДДАС БИЛАМАН

**Ўзбекистон Республикаси Санъат арбоби, рассом — Ортиқали ҚОЗОҚОВнинг ранг-тасвир ижоди мухлисларга яхши таниш. У шундай дейди:**

- Ота-онамиз болаликдан меҳнат қилишга, ҳар бир инсонга берилган вақтдан унумли фойдаланишга, ҳалол яшашга ўргатишган. Ўша ўгитларга амал қилиб, аввало вақтимни иложи борича режалаштириб, ҳамма нарсага улгуришга ҳаракат қиламан. Бунда рафиқам Гулчеҳрахондан жуда миннатдорман. У менинг мададкорим, ёрдамчим, қадрдон дўстим. Гулчеҳра билан бир мактабда ўқиганмиз. Мактабда деворий газеталарни биргаликда чиқарардик. Кейинчалик Тошкентда ўқидик. Турмуш қурдик. Оллоҳга шукр, ҳаётда ўз йўлимизни, ўрнимизни топдик. Ҳар бир асарим яратилишида унинг маслаҳатларига суянаман. Санъатни жуда севади. Менинг кўпроқ ишлашим учун барча шароитни яратиб беришга ҳаракат қилади.

Оилани муқаддас деб биламан. Ҳозир ўғлим Молия университети талабаси. Қизим мактаб ўқувчиси. Ҳар бир инсон ўз ҳаётида оиласи, фарзандларини деб яшайди. Ҳар бир оиланинг тинч-осойишта ва бахтиёр бўлиб яшаши ўша оилада яшаётган инсонларнинг ўзларига боғлиқ деб, уйлайман.

**Лола АҲМЕДОВА**
**ёзиб олди**

## ЮРТИМИЗНИНГ ИШОНЧ, ТАЯНЧИ

***“Фуқароларимиз учун армияда хизмат қилишни нафақат фахрли бурч, балки олий шарафга, ўз Ватани ва халқига садоқат, жасорат ва матонат мактабига айлантиришига, унинг нуфузини янада оширишига ишонаман”.***

**И. КАРИМОВ**

14 - январ Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 11 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан мамлакатимизда турли тадбирлар бўлиб ўтди. Жумладан, пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида тантанали йиғилиш бўлди. Анжуманда Қуролли Кучларимиз вакиллари, уруш ва меҳнат, армиямизнинг фахрийлари, олий ҳарбий ўқув юртининг курсантлари ва уларнинг ота-оналари қатнашишди. Йиғилишда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан соҳа вакилларига давлат мукофотлари топширилди.

Бугунги осмонимизнинг мусаффолиги, осойишталиги, хотиржамлигимиз Ватан ҳимоячилари, мард ўғлонларимизнинг шарофатидан. Ватанимиз ўз ифтихори, ишончи ва суянч тоғлари бўлган армияси ва Ўзбекистон Қуролли кучлари билан фахрланади.

Ватанимиз ҳимоячилари ҳар лаҳзада сергак ва матонат билан ўз вазифаларини мардонавор бажаришаётганлари учун ҳам ҳаётимиз бундан кейин ҳам тинч ва осойишта бўлишига ишонамиз.

**Ўз мухбиримиз**

## Оила ва жамиятга

Oila va jamiyat

* * *

*2003 йилни муҳтарам Президентимиз “Обод маҳалла йили” деб эълон қилдилар. Бу бежиз эмас. Зеро маҳаллалар ободлиги бутун юрт ободлигидир. Қарияларни ўтган йилда амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқ. Менинг бу фикримга барча фахрийларимиз қўшилишса керак.*

*Қариялари, кексалари эъзозли бўлган маҳалла албатта обод ва осойишта бўлгусидир. Демак, 2003 йилда юртимизнинг барча маҳаллалари обод бўлади. Обод маҳаллалар бирлашса - бу обод Ўзбекистондир.*

*Ожизаман, хастаман. Бироқ, Оллоҳ менга қалб ато этган. Шу заифгина, хастагина қалбим эл дарди билан, меҳри билан яшамоқда. Шу заминда туғилиб ўсган, шу юрт тузини тотган бир фарзанд сифатида туну-кун яратгандан тилагим Янги йилда элимизнинг ҳар бир гўша, маҳалласида гўдаклар инга-ингаси болалар қувончи, оилавий шодонлигу кексалар дуоси янграшини истайман.*

*Элимизга ҳамиша осойишталик, элдошларга соғ-омонлик тилайман.*

**М. САЛОҲИДДИНОВА**
**Қашқадарё вилояти**

* * *

*- Мен Андижон туманилик мухлисингиз Зокиржон Каримовман,- дейди таҳририятимизга шанба куни қўнғироқ қилаётган мухлисимиз — Ўзим “Дамас” ҳайдайман. Анча йилдан бери “Оила ва жамият” бизнинг оиламиз — мен ва Мавжудахоннинг севимли газетамизга айланиб қолган. Икки қизалоғимиз бор. Бўш қолдик дегунча, ундаги мақолаларни муҳокама, мунозара қиламиз, фикрлашамиз. Хуллас, “Оила ва жамият” гўёки оиламизнинг ўз одамидек бўлиб қолган. Янги йилда чиққан иккала сони ҳам мана олдимизда турибди. Улардаги мақолаларни ўқиб, фикрлашиб, ҳаяжонланиб кетганимиздан Сизларга қўнғироқ қилаяпмиз. Янги йилда ҳам ижодий жамоангизга юксак муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.*

**Ўз мухбиримиз**
**ёзиб олди**

## ҚУТЛОВЛАР

* * *

**Дилдан олқишлайман сени мен бугун**
**Аёллар дардига малҳамсан ўзинг!**
**Ечилмай қолмайди ҳеч қандай тугун,**
**Қалб оромидирсан «Оила ва жамият!»**

*Ҳа, Янги 2003 йилдаги бу табригим ҳамма мухлисларнинг дил сўзлари бўлса ажаб эмас. Сенда юртимиздаги барча оилалар ўз муаммоларига ечим топиши аниқ. Қанча-қанча йигит-қизларни саҳифаларинг орқали учраштириб, бахтли оила ҳаётига раҳнамо қилаяпсан.*

**Бахтсиз оилага ечимсан ўзинг!**
**Узоқларни кўзлар чақноқ кўзларинг.**

*Ҳа, бу шунчаки мақтов эмас. Узоққа бормай, ўзимни олай, дардли одамларга малҳамлигинг менинг ҳаётимда ҳам намоён. Болам Азизхон бу ширин ҳаётдан кўз юмганида сен дилимга юпанч бўлдинг. Болагинам 21 январ куни бизни, меҳрибонгина аёли Маъмурахонни, шакардек фарзандлари Отабек ва Алибекларни ташлаб кетди-я!*

*Оллоҳнинг ўтли синовларига чидамай иложимиз қанча! Илоҳим Азизхоннинг охирати обод бўлсин!*

*Азиз газетамиз, ростдан ҳам сен билан юпанаман. Сиҳатгоҳдалигим учун 52-сонини ололмай қолувдим, бир нарсамни йўқотиб қўйгандек бўлдим. Кенжа ўғлим топиб келтирувди, дилим ёришиб кетди.*

*Элимизда Янги йил нафаси сезилиб турган шу кунларда хафачиликни бекор тилга олдим чоғи.*

*Асли мақсадим Бош муҳаррир бошчилигидаги барча толмас, қалами кучли аскарлари: Турсуной Содиқова, Санъат Маҳмудова, Тоҳир Норимов, Ҳулкар Ҳотамбоева, Лола Аҳмедова, Басира Сайдалиева, Муҳтарама Улуғова ва бошқа қанчадан-қанча жонкуяр қаламкашларига Янги йил табригини етказиш эди. Сизларни Янги йил билан оиламиз номидан қутлайман. Қўй йили хонадонларингизга бахт ва шодлик, барака, озорсиз ҳаёт ола келган бўлсин, илоҳим. Фарзандларингиз меҳр муҳаббатли бўлиб улғайишсин. Янги йилдаги янгилигингиз — газетамизнинг 16 саҳифада чоп этилиши билан табриклайман. Имкониятларингиз бундан-да кенгаяверишига тилакдошман.*

**Афифа ҲАСАН қизи**

* * *

*Севимли газетамизнинг Янги йил сонини олдиму бир қувониб, бир хафа бўлдим. Хафа бўлишимнинг сабаби, бу газетанинг ҳар йил 1-сонини орзиқиб кутадиган 78 ёшли кекса ашаддий мухлисингиз, ўз нафақа пулларидан обуна бўлаётган дадажоним бугун орамизда йўқ. Газетага қизиққанликлари учун умрларининг охирги кунида ҳам уни сўраттириб ўқидилар ва: “Қизим бу нашрга бу йил ҳам обуна бўламиз”, - дедилар. Сўнг менга: “Қизим, мен учун ҳам “Оила ва жамият”га меҳрингни бер, узлуксиз ўқиб бор, сенинг мададкоринг шу газета-ку”, - деб маслаҳат бердилар. Мен энди дадамсиз ўтаётган бу умримни шу газетасиз тасаввур қилолмайман.*

*Бугун ҳам газетани олдиму ўз туғилиб ўсган уйимга чопдим. Аттанг, минг афсус, дадам газета сўрамадилар. Деворда жонсиз суратлари турибди, холос. Шу вақт акажоним, укам, келинимиз: “Газета олиб келмадингизми”, - деб сўраб қолишди. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Чунки, дадам туфайли уларнинг ҳам газетага меҳрлари тушиб, уни қўлма-қўл ўқиб, ҳар сонини орзиқиб кутишарди-да.*

*Мен бу сўзларим билан нима демоқчиман? “Оила ва жамият” хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин ҳаммани ўзига мафтун қилиб чоршанбани орзиқиб кутадиган қилиб, обуна бўлмаганларни армонга қолдирадиган ажойиб газетадир. Яна шуни айтмоқчиманки, агар юртдошларимиз ўз маблағини ҳалол-ҳаромга, ичкиликка, гиёҳвандликка сарфламасдан газетага обуна бўлишга ва ё уни сотиб олишга сарфлашса, албатта ютадилар.*

*Азиз, ижодий жамоа, яна бир бор сизларга соғлиқ ва омонлик тилаб ижодларингизга зафарлар ёр бўлишини Оллоҳдан сўраб қолувчи ашаддий мухлисингиз:*

**Зулайхо МУРСАЛХОН қизи**
**Қашқадарё вилояти,**
**Косон тумани,**
**Қозоқли қишлоғи**



## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ КЎРСАТУВЛАР ДАСТУРИ БОР

# ОРЗУ-ҲАВАС ҚИММАТГА ТУШМАСИН

*Агар биз тўйга кетадиган маблағнинг бир қисмини ёшларнинг ҳақиқий эҳтиёжига, оила юмушларини енгиллаштиришга, эртага туғиладиган гўдакларни соғлом қилиб ўстириш, болаларимизга чуқур билим бериш, бир сўз билан айтганда, замонавий ҳаёт ва турмуш тарзига жавоб берадиган мақсадларга сарф қилсак, бу энг оқилона ва савоб иш бўлур эди.*

**И. КАРИМОВ**

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

Саратон ойи эди. Кун жуда иссиқ. Ишга эрта салқинда етиб олай дедим-у, "Амир Темур — Водник" даҳаси йўналиши бўйлаб қатнайдиган автобусга чиқдим. Ўз хаёлларимга ғарқ бўлиб ўтиргандим нозиккина кондуктор қиз ёнимга келиб, "За проезд", дея менга юзланди. Йўл чиптасини олганимдан сўнг ёнимда ўтирган 40-45 ёшлардаги эркакка мурожаат қилди негадир эркак унинг гапларини эшитмади. Қиз уни қўли билан туртиб, йўл ҳақини сўради. Эркак ўзига келиб узр сўради-ю, киссасидан пул чиқарди. Негадир у безовта кўринарди. Тез-тез "уф" тортиб қўяр, бундай ҳолатини ўзи ҳам сезмасди, назаримда. Шу аснода автобусга икки ёш чиқиб қолишди. Шунда ҳалиги эркак: "Мана шундай бахтиёр ёшларни кўрсам ҳавасим келади",- дея менга юзланди. Тахминимча, у ёлғиз бўлса керак деб ўйлаб: "Фарзандларингиз сиз билан туришмайдими?",-дея сўрадим. «Йўғ-э, худо асрасин. Оз эмас, кўп эмас нақ тўрт фарзандим бор. Тўнғич қизимни турмушга узатганимга атиги 3 ой бўлди, холос. Афсуски, "Болам бечорага келинликнинг ширин онлари кўп насиб этмади».

- Нега ундай дейсиз? Куёв бола нобоп чиқиб қолдими?

- Йўқ, йўқ, куёвдан кўнглимиз тўқ. Қуда холанинг феъли сал чатоқроғ чиқиб қолди. Тўй баҳона бизни анча сарфу харажатга туширди. Бунда кўпроқ хотинимни, қолаверса, ўзимнинг ҳам айбим бор. Аёлимнинг гапларига кириб қизимни дабдабали "сеп" билан узатдик. Бўйнимгача қарзга ботиб дугоналарига кафеда ўтириш қилиб бердим. Тилло тақинчоқлар, кийим-кечакларни айтмаса ҳам бўлади. Чунки хотиним: «Тўнғич қизим, ҳеч кимдан кам қилмайсиз», деб туриб олди. Тўйдан икки ҳафта ўтиб куёв боланинг туғилган кунига бордик. Қизим "музлатгич олиб берар экансиз, қайнонам гап орасида қистириб ўтди",- деб келгач оғайниларимдан қарз кўтариб қимматбаҳо музлатгич сотиб олдик. Буни қарангки қизим ҳар уйга келганида ҳали уни, ҳали буни олиб беринг деявериб безор қилди. Туғилган куни яқинлашгани сайин кўнглим безовта бўла бошлади. Нима эмиш, қайнонаси туғилган кунига телевизор совға қилишимизни шаъма қилиб ўтганмиш. Она-бола бир бўлишиб "телевизор олиб берасиз", деб туриб олишди. Ундан-бундан пул сўрадим, ҳеч ким бермади. Туғилган кунга эплаганимизча совға-салом қилиб кенжатой қизимни жўнатдик. Шундан кейин телевизор илинжида ўтирган қудамиз айниб қолди. Қизимни турткилаб арзимаган баҳоналар билан уйга жўнатиб юборадиган одат чиқарди. Бир куни қизимни уйда олиб қолдим. "Қачон пул йиғиб телевизор олиб берсам кейин борасан. Унгача уйда ўтириб тур",- дедим. Ўзим сартарош бўлиб ишлайман. Кичкинагина дўкончам бор. Ортиқча уч-тўрт сўм топсам рўзғоримга ташийман. Аксига олиб ҳозир устахонамни таъмирлаяпман.

- Елкангизга шунча қарзни илиб олгунча хотинингизга ётиғи билан тушунтирсангиз бўларди-ку,-дедим.

- Аёл кишининг ўзига ақлу идрок бермаса қийин экан. Қанча тушунтирдим. Қизимга уч қатор қимматбаҳо палто олдирди. "Олдин биттасини кийиб эскиртириб олсин, насиб қилса кейинроқ бошқаларини ҳам олиб бераверамиз",-дея Худонинг зорини қилдим. Йўқ. "Овсиним қизига беш қатор палто солди, қизимнинг улардан қаери кам?", деб туриб олди. Хуллас, орзу-ҳавас қимматга тушди. Суҳбатимиз шу ерга етганида суҳбатдошим кейинги бекатда тушиши кераклигини айтиб хайрлашди.

Ушбу воқеани мен мақола ёзиш учун ўйлаб топганим йўқ. Чунки ўша кунларда дугонам Муҳайёнинг ўғли учун ўтказиладиган "хатна" тўйига таклиф қилингандим. Ўғли мактабга борадиган бўлиб қолгач, "хатна" тўйини ўтказиш тараддудига тушиб қолган дугонамнинг турмуш ўртоғи "тўйни зўрлаб ўтказамиз, энг машҳур артистларни олиб келаман",-деб туриб олди. Уёғидан ўтиб, буёғидан ўтиб Муҳайё камчиқим қилиб ўтказишга кўндирди. Чўнтакка қараб кўнгил яқин одамларга базм уюштиришди. Ота-онасига ҳам ортиқча юк ортишмади. Маҳалла-кўй олдидаги ота-оналик бурчларини бажаришди. Қолаверса, тўйдан кейин аёлининг донолигидан мамнун бўлган куёв тўранинг хурсандлигининг чеки йўқ эди. Чунки ҳеч қандай гап-сўз, норозилик, қарз ҳақидаги бошқотиришлар тамоман улардан бегона эди.

Ушбу тўй тафсилотини мисол келтиришдан мақсадим, ўз ҳаётимизни чигаллашувига ўзимиз сабабчи бўлибмиз-да, қўлимиздан келмайдиган юмушларни елкамизга илиб, охир-оқибат эл ичра кулгуга қолганимиздан сўнг пушаймон бўламиз. 2003 йилни Президентимиз «Обод маҳалла йили» деб эълон қилди. Бундан барчамиз хурсанд бўлдик. Яна шуниси қувончлики, ушбу йилда ҳам инсонларнинг ҳаётлари фаровон бўлишига асосий эътибор қаратилди. Юртдошларимизнинг ўз меҳнатлари эвазига топаётган маблағларини ўткинчи ҳавасларга сарфламасдан, фарзандларимизнинг келажагини таъминлаш, уларнинг ўқишлари, ҳунар ўрганишлари учун сарфлашлари кераклигини қайта-қайта уқтириб ўтганлари ҳам бежиз эмас албатта. Ана шу ишларни амалга ошириш учун энг катта масъулият биз аёлларнинг зиммамизда. Шундай экан, ўз оиламизнинг хотиржам, фаровон ва тўкис бўлиши учун ҳар биримиз астойдил ҳаракат қилишимиз керак. Ана шундагина фарзандларимизнинг келажакда комил инсонлар бўлиб етишишларига замин яратган бўламиз.

**Нигора ЙЎЛДОШЕВА**

# Диққат, Диққат, Диққат, Диққат

## Ажойиб танловлар ва янада ажойиброқ совға-саломлар

*Қадрли дўст!*

*Президентимиз Янги йилимизни "Обод маҳалла йили" деб атадилар. "Оила ва жамият"нинг тилаги, мақсади, эзгу орзуси ҳам шу. "Обод маҳалла йили" эл-юртимизга, кўп-кўп қувончлар келтирсин. Ҳамма бахтиёр ва бадавлат бўлсин, маънавият юксалсин. "Оила ва жамият" эса элга маърифат, манавият тарқатгувчи нашрлардан биридир. Биз ҳар бир обод маҳаллада давлатманд, тадбиркорлар борлигини биламиз ва бундайлар билан фахрланамиз. Улар учун "Оила ва жамият" ўз танловини ўтказишга қарор қилди. Қанийди, давлатманд тадбиркорларимиз саховат кўрсатиб мурувватга муҳтожларга (20 тадан юқори) "Оила ва жамият"га обуна бўлишлари учун ёрдам кўрсатсалар, нечоғли савобли, фойдали иш қилган бўлардилар. Биз эса ўз навбатида бундай тадбиркорларнинг фаолияти, оиласи ҳақида 1,2,3 саҳифаларимизда суратли лавҳа ва очерклар бериш мажбуриятини олардик. Саховатпеша тадбиркорларнинг қутлуғ амаллари хусусидаги хушхабарларни кутиб қоламиз.*

*Ҳурматли мухлислар!*

*2003 йил "Обод маҳалла йили"... Биз газетамизда ажойиб бир танлов бошладик.Ушбу танловда газетамизнинг барча мухлислари иштирок этиши мумкин. Аслида халқимизнинг сурати ҳам, сийрати ҳам гўзал-.Болажонларимизни бағримизга боссак кўнглимиз сурурга тўлади.Йигитларимиз мард, ўктам, қизларимиз хаёли, чиройли, отахону онахонларимиз, бувижону бобожонларимиз юзидан эса нур ёғилади. Қанийди, саҳифаларимизни ҳар бирларингизнинг ва ёки оилавий тушириолган суратларингиз безаса.Сизларнинг шу бугунги ўй хаёлларингиз, орзу-ҳавасларингиздан бохабар бўлсак, улардан халқимизни ҳам огоҳ этсак, мақсадимизни фаҳмлаяпсизми, азиз дўст! Демак, 10х15 ўлчамдаги тиниқ рангли, оқ-қора ёки рангли сувратларингизни ва бу сувратларингизга мос дил сўзларингизни ёзиб таҳририятга йўлланг!Уларни кутиб қоламиз ва дарҳол чоп этишга ошиқамиз. Энг чиройли фотолавҳалар муаллифларини эса муассис ва ҳомийларимизнинг қимматбаҳо совғалари кутади.*




# Танишинг: Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар



## ВАТАН ТУЙҒУСИ ГЎЗАЛ

**Сабина РАСУЛОВА** — У Навоий Давлат педагогика институти физика-математика факултети, "Математика - информатика" бўлимининг II-босқичида таҳсил олади.

-Юртимиз ёшларига жуда кўп имкониятлар берилган. Шулар қаторида мен ҳам борлигимдан ғурурланаман. Шундан фойдаланиб бор билимим, меҳнатимни Ўзбекистоннинг довруғини оламга ёйишга сарф этаман. Туғилган тупроғимни, севаман - дейди Сабина. Тиришқоқ қиз "Гулла, яшна Ўзбекистоним!" танловида қатнашиб, 1-мукофот соҳибаси бўлишдек бахтга сазовор бўлди.

## КАМОЛГА ИНТИЛИБ



**Гулбиби МИРТАЗОЕВА** — Навоий Давлат кончилик институтида кадрлар бўлимининг ходими вазифасида ишлайди. "Саноат корхоналарида хўжалик фаолиятининг таҳлили", тест топшириқлари ва "Замон сеники" китобининг муаллифи Гулбиби талабаларга дарс ҳам беради. Улар иштирокида турли бадиий кечалар ташкил қилар экан, бу тадбирларда ўзи ҳам дилрабо қўшиқлари билан қатнашади. Юртимиздаги ёшларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар бўлишига ҳисса қўшиш истаги билан яшайди.



## НАВОИЙ ЮЛДУЗИ

**Юлдуз ЖУМАЕВА** — Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида туғилган. Ҳозир у ЎзМУ журналистика факултетининг 1-босқич талабаси. Юлдузнинг "Сизга гапим бор", "Оналар мактаби", "Сирдош", "Кўзмон лоласи" тўпламлари ўз мухлисларини топган. У университетда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга она Ватан, ёшлик, муҳаббат ҳақида шеърлар ёзиб, республика матбуотида фаол иштирок этмоқда.

## ШОИРА БЎЛМОҚЛИК ОРЗУСИ БИЛАН



**Фарзона МАНСУРОВА** — Навоий вилоятидаги Ҳамза номли 12-мактабнинг ўқувчиси. Ҳар бир фанни аъло баҳоларга ўзлаштиради. Мактаб ҳаётига оид турли тадбирларда, шунингдек ёшлар ижтимоий ҳаракати мусобақаларининг иштирокчиси. "Тонг юлдузи" газетасининг энг ёш ва истеъдодли мухбирларидан.

"Дўстлик байроғи", "Сирли сўқмоқлар" номли асарлари чоп этилган. Фарзона ҳали изланишда. Келгусида ажойиб шоира бўлиш унинг энг эзгу ниятларидандир.

**Басира САЙДАЛИЕВА тайёрлади**

# ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ахборот

Шаҳрисабз туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитасининг III-пленуми бўлиб ўтди. Пленумда икки масала: "Қарияларни қадрлаш йили"да туман қарияларига кўрсатилган ғамхўрлик ва қулайликлар, хотин-қизлар ва вояга етмаган болалар ўртасида ҳар хил жиноятчиликка қарши олиб борилган ишлар ҳақида маърузалар тингланди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раисаси Д.Холбоева сўзга чиқиб, маърузалар ва музокараларда баён этилган фикрлар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирди. 2003 йилда амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинган. Қизғин баҳс ва мунозаралар асосида ўтган бу пленум йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**С. УЗОҚОВА**

# ЮРАГИМГА ЯҚИН ОВОЗЛАР

Қишлоғимиздаги мўъжазгина бозорнинг пайдо бўлиш тарихи билан ҳеч қизиқмаган эканман. Минг бора эшитгандан бир бора кўрган афзал дейишади. Келинг, ўз кўрганимни гапириб берай. Бозордан бошқа мавзу ҳам ошиб-тошиб ётибди-ку деманг, косанинг тагида нимкоса бўлади. Диққат қилиб ўқисангиз мен тўқиган афсона сизга ёқади. Катта кўчага қачон илк бора ўз ихтиёрим билан чиққанимни билмайману, баъзи бир хотиралар ёдимда қолган. Баъзида кўча тарафдан овоз келарди: "Ў жамоатларингиз билан фалон қишлоққа, фалон кишиникига, фалон куни тўйга- а- а- а", бу овоз менга ёд бўлиб қолганди. Фақат қишлоқларнинг номи, одамларнинг исми ўзгариб турарди, холос. Ўшанда шодиёналикни тасаввур қилардим. Яна бир куни худди шундай овоз янграрди-ю, унда эса тўй ўрнига жаноза сўзи қўйилиб айтиларди. Унда эса кўнглимда қандайдир нохушликни ҳис этардим. Учинчи овоз эса бозор куни бўларди.

Болалагимда бозоримизга хўрозқанд олгани борардим. Ҳозирги болаларга хўрозқанд тутсангиз юзини ўгиради. Баъзан зарурат туғилиб қолса товуқ ҳам чиқариб сотган пайтларим бўлган. Бозоримиз жуда катта бўлиб кўринарди кўзимга. Бир томонда мол бозори, иккинчи томонда сабзавот, учинчи томонда эса гўшт, гуруч, атторлик маҳсулотлари. Эсимда, атторлар рўмолларини ёйиб чанқовуз, кўзмунчоқ, қўйқўзиларнинг жунларини бўяйдиган ҳар хил бўёқ, ип, игна ва шунга ўхшаш майда-чуйда нарсаларни сотишарди. Бозорга кираверишдаги ўнг тарафда мен яхши кўрадиган хўрозқанд сотилса, чап тарафида амаким яхши кўрадиган нос сотиларди. Ҳафтада бир марта бўладиган бозорни интизорлик билан кутардим. Чунки ўша куни бобом хўрозқандга ўнг чўнтагини кавлаштириб, чап чўнтагини кавлаштириб аранг берар-бермас бўлиб битта танга чиқариб берардилар. Ўша тангага хўрозқанд олардим.

Шу бозорда қишлоғимиз фуқароси Файзи бобо даллоллик қиларди. Даллолликдан ташқари, эълончи ҳам эдилар. Кимнинг моли йўқолса у кишига мурожаат этарди. У киши баланд овозда: "Ў кимда- ким фалон тусли молни кўрган бўлса, ёки боғлаб қўйган бўлса айтсин, суюнчига фалон сўм берилади", деб бозорни бир айланиб чиқарди. Йўқолган мол топиладими, топилмайдими, навбатдаги бозорда яна кимдир эълон берарди. Файзи бобо яна бозорни айланиб ўша жумлани такрорларди.

Орадан йиллар ўтди, энди шу бозордан мен болаларимга хўрозқанд кўтариб келадиган бўлдим. Кўчадан тўйга ёки жанозага деган чақирув, бозорда эса эълон қилиш шу кўйи давом этарди. Бозор иқтисодига ўтдигу, бозорнинг рангига, тусига тус кирди. Атрофи тош девор билан ўралди. Тепасига "Чеп бозори" деб ёзиб қўйилган. Катта қўшқанотли дарвоза ўрнатилди. Ҳафтада бир кун эмас, икки кун бозор бўладиган бўлди. Бозорнинг ичида ошхона, тижорат дўкончаси, қишлоқ бозорига яраша расталар қад ростлади. Сотувчиларнинг ҳам, харидорларнинг ҳам сони кўпайди. Хуллас замон билан ҳамнафас ҳамма нарса ўзгарди. Қишлоғимизда ва бозорда битта нарса ўзгармай қолди. Катта кўча тарафдан келадиган ўша хуш- нохуш овозу, бозорда айтиладиган эълон. Шу яқин орадаги қишлоқларни бир-бирига боғлаб турадиган мана шу уч хил мавзудаги овоз қандай замон бўлишидан қаъти назар, абадий шундай қолсин. Шу боисдан ҳам бу овозлар юрагимга жуда яқин. Бу овозлар менга қон билан кирган, энди жон билан чиқади.

**О. НУРМАМАТОВ**

*Соғинч*

# БОЛАЛИККА ҚАЙТГИМ КЕЛАДИ

Оҳ! Мен туғилиб ўсган қишлоқ!

Тошкент шаҳридан 15 чақирим шимолда Калас дарёси бўйига жойлашган мўъжазгина қишлоқ бор, номи Чувалачи. Одамлари содда, меҳнаткаш, қишлоқни сўлим, зилол сувлари, мусаффо ҳавоси, сайроқи қушларию булбул нолалари худди кечагидек қулоғим остида эшитилаётгандек. Гўё...

Ёз ойларида оқшом манзараси қишлоқ чиройига чирой қўшар, ўзига мафтун этарди. Кундузи билан ҳориб чарчаган қуёшни уфқ сийнасига бош қўйиши, ҳали совиб улгурмаган замин тафти, кўчаларни тўлдириб ўтаётган подалар, қўй-қўзиларни тинимсиз маърашлари, улар ортидан кўтарилаётган беғубор чанг, подаларни маърашию, одамларнинг қий-чувлари камайиб тун пардасини тушиши, чумчуқларни чириллашию аҳён - аҳёнда подачининг "оши ҳалол" деган товуши.

Ҳозир қишлоқ замонавийлашган: тўлиқ электрлаштирилган, газлаштирилган ва қувурлар ётқизилиб, ичимлик сув билан таъминланган, кўчалар асфалтланиб, салобатли бинолар қад кўтарган. Одамларни яшаши, фикрлаши, дунё қараши ўзгарган, тўйларию яшаш шароитлари замонасига яраша, аммо мен темир қувурлардаги хлорли сувни эмас, ариқлардаги зилол сувни, "Дока хлеб"даги буханка нонни эмас, онамнинг тандирдан узиб олган иссиқ нонларини қўмсайман.

Ёшлигимда онам менга бир гапни такрор ва такрор гапирар эдилар: "Болам, ҳаётда икки йўл бор: бири тўғри йўл, иккинчиси эгри йўл. Биринчи йўл ўзи тўғри бўлгани билан жуда машаққатли, кўп тўсиқларга учрайсан, сабр-бардош ва ҳалол меҳнат билан енгиб ўтсанг муродингга етасан. Ёшинг ўтиб кексайганда роҳатини кўрасан.

Иккинчи йўл эгри, бу йўл билан борсанг ҳақиқат қул, ёлғон шоҳ бўлганини кўрасан, осонлик билан эришган муваффақиятларинг омонат солинган иморатдек тез тўкилиб тушади. Ёшинг ўтганда кўп машаққатларни кўриб азобда қоласан".

Онам ўгитларини қулоғимга олиб, топганларим кўп, турмуш ўртоғим, етти фарзандим. Ўн тўққизта набирам, қирқ беш йиллик иш фаолиятимда орттирган жуда кўп устозлар, ёру дўстларим.

Энг олий неъмат — Республика мустақилликка эришган кунни кўриш менга насиб этди. Йўқотганларим ҳам оз эмас, мен учун энг азиз ва мўътабар бўлган онажонимдан, жигарларимдан, устозларим ва энг яқин дўстларимдан айрилдим.

Дарёларда чўмилиб, булоқ сувларидан тўйиб ичган, онам ёпган иссиқ нонни сувда оқизоқ қилган, болалар билан бекинмачоқ ўйнаб юрган беғубор болалигимни йўқотдим.

Сени жуда соғинганман қайтмас баҳорим. Дунёнинг ташвишларидан холи бир-бирини қувишиб ўйнаб юрган болаларга тикилар эканман, ўтган ёшлигимни қўмсайман.

Мен учун қанчалар азиз бўлган боликка қайтгим келади. Аммо... Сендан узоқлашганим сари, сен қалбимни тонг юлдузи каби ёритаверасан.

**Қ. ҚАЮМОВ**

**Тошкент тумани, Чувалачи қишлоғи**

***Киндик қони тўкилган хонадон, илк марта чароқлаган қуёшдан кўз қамашган онлар, тунларнинг сирли сукунати... Ота-она, яхши одамларнинг меҳрибон нигоҳлари, меҳру муҳаббатини ҳис этиш. Буларнинг бари инсон билан, унинг бағрига бир умрга пайванд бўлиб қолади. Сўнгра бот-бот Ватан ҳақида ўй сурасан, ҳар гал ўша бағрингга пайванд ҳис-туйғулардан дилингда соғинчни туясан. Биз бир умр болалигимизни соғиниб яшаймиз. Азиз дўст, ана шу туйғулар дилингизга тинчлик бермаётган, олисларда қолган болалик соғинчидан ўртанаётган бўлсангиз уларни бизга ёзиб юборинг. Бу эркин туйғулар ёғдуси ҳаммамизнинг оламимизни нурга ўрасин...***



# АЁЛНИНГ СИРЛИ ДУНЁСИ

**(Ҳадислар талқини)**

***Ёнма-ён қурилган бинолар бир бирларини ушлаб турганидек, мўминлар бир-бирини қувватлаб туради.***

***Ҳадис***

***(Боши ўтган сонларда.)***

Мўминликнинг бир кўриниши ҳамиша бировга яхшилик илиниш, яхши ниятларга рағбат бериш, ҳеч йўқ бировнинг ҳақига самимий дуолар қилишдир. Аллоҳ бандаларини атойи яхшиликка чорлайди. Азбаройи уларни суйганидан шундай қилади. Унинг чорловлари замирида бизга аталган мукофотлар ваъдаси бордир. Дейлик, сиз бировга мурувват кўрсатдингиз, дарҳол қўлу тилу дилингиз бунинг учун сизни олқишлайди. Улар савоб ишлар учун яратилган эди, сиз юзларини ёруғ қилдингиз. Яратган эса бунинг ҳисобини олиб туради, бу бир ютуқ! Иккинчидан, сиз хурсанд қилган одамнинг қувончи, розилиги Яратганни яна шодлантиради, бу ҳам Аллоҳнинг янги мукофоти сизга келяпти дегани! Кимсани қувонтириб, аввало ўзингиз яйрайсиз. Қарабсизки, ўзингизда ва хурсанд қилган кишингизда янгидан янги яхши ниятлар туғилади ва эвазига иккингиз учун яна устма-уст савоблар ёзилади. Аллоҳ таоло айтади: "Агар банда Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир газ яқинлашаман. Агар банда Менга бир газ яқинлашса, Мен унга бир қулоч юраман. Агар у мен томонга юра бошласа, Мен унга томон югураман". Аллоҳнинг сахийлигини-ю бизнинг ғофиллигимизни қаранг, бировга қилган бир мурувватимизга жавобни ўн туҳфа тайёрлаб турибди. Энди айтинг-чи биродар, биз ҳар доим ҳам бир-биримизга мурувват билан яшаяпмизми?

Бир-бирингизни суянг дея чорлайди Қуръони карим! Беихтиёр хаёлим онамга учади... мунчоқдан икки синглим қазо қилди. Менгача эса уч акам ўтган. Кўзидаги жоласи тинмагунча онам яхши-ю ёмонга пайдар-пай мурувватлар кўрсатар ва мен - ёлғизгинани дуо қилишларини сўрарди. 13 ёшга етганимда ўғил укалик бўлдим. У эндигина атак-чечак босган кунларнинг бирида онам: "Болам, бугун яхши ният билан ҳовлима-ҳовли юрамиз", деди ва вазифамни тушунтирди. Ёпинчиққа ўраниб олган онам, ҳар бир ҳовлига кирар эканмиз, остонадаёқ чўккалаб олар ва мунғайганча қўлларини чўзиб жим ўтирарди. Мен эса қийқим мато сўраб кирганимизни ва укамга умр сўраб дуо қилишларини уқдирардим. Хонадон бекалари хайрихоҳлик билан елиб-югуриб қийқим-сийқим топиб чиқишар ва кўзларида ёш билан укам учун Худодан улар сўранардилар. Онам симсим йиғлаб юриб бу қийқимлардан жанда тикди. Укам беш ёшга киргунча фақат шуни кийди. Ҳар сафар бу қуроқ тўнни ювиб-тозалаб ўғлининг елкасига илар экан, онам: "Болам жанда эмас, элнинг дуоларини кийиб юрибди, қўрғони шу дуолар бўлади, иншооллоҳ", дерди қониқиш билан.

Жанда масаласи балки бидъатдир, аммо онам дуода хосият кўплигини билган ва шунинг учун ҳам дуолар гадоси бўлган экан...

Ҳар бир инсонда нур заҳираси бўлади. Яхшиликка отланган заҳоти бу нур уйғонади ва унинг юзига балқийди. Қарабсизки, атрофни даволовчи зарралар тарата бошлайди. Онам беморланса, ихраб, ўнтаб, юрагингни шувиллатадиган бўлиб оғрир эди. Аммо қадрдонларидан бирортаси ҳол сўраб киргудай бўлса, дарҳол ўнгланиб қолар, зум ўтмай кирсангиз, хандон отиб ўтирган бўларди... Касалнинг катта-кичиги йўқ, ҳар қандай бемор икки йўл ўртасида туради. Ҳол сўраб келганнинг нурли юзи, икки оғиз меҳрли сўзи, Аллоҳ сабабчи қиламан деса, кишини ҳатто ўлимдан олиб қолиши мумкин.

"Ҳар бир банда Аллоҳнинг иморати, уни бузишга ҳеч кимга изн берилмайди", дейилади Қуръони каримда. Қасд билан, ҳасад билан бировнинг кўнглини вайрон қилган одам мўминликдан чиққан одамдир, энди у жазосини кутаверсин! Аммо яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам эгаси Худо, унинг розилиги учун сахийликни, мурувватни барчага, ҳатто сизни ёқтирмаган ва сизга ёқмаганларга ҳам раво кўриш мўминликдандир. "Нима учун ёмон кўрган кишимга яхшилик қиларканман", деб торлик қилманг, биродар! Ҳақнинг Ўзи муқаддас Қуръоннинг ҳар саҳифасида: "Мен авф этгувчиман", деб турибди-ю, "фалончини кечиролмайман", дейдиган бандаси унинг олдида ким бўлиб қолибди? Қолаверса, сизнинг хуш кўришингизни билиб турадиган одамга мурувват қилсангиз, яна бир севиниб қўяди, холос, аммо ҳаяжонланмайди. Сизни ёмон кўрадиганга қилинг яхшиликни, ана ўшанда кўрасиз, у буни байрамдай қабул қилади, севинчларида мушаклар портлайди! Бори йўғи сиз унинг кўнглини кўтардингиз, холос, аммо энг катта фойдани ўзингиз кўрасиз: боши берк кўчага кириб қолган талай ишларингиз энди ечимини топажакдир! Бу бахт-ку, ахир!

Бирор яхши ишни бошлаб қўйиб, чўчиб турганларга рағбат берсангиз кучига куч қўшилади. Иморат солаётганга "ҳорма-бор бўл" қилиб хабар олсангиз, тилло бергандай бўласиз! Бировдаги фазилатларни сезганингизни ўзига сездирсангиз, сафдошларингизнинг яхши ишларини табриклай билсангиз ва улар ҳақида атрофга ҳикоялар айтиб юрсангиз, унинг эмас, ўзингизнинг баҳоингиз ортади! Бир-бирини суяб яшаш бахти, қушдай учиб, яйраб яшаш лаззати мана шу!

Биродар, дарвозаларни тақиллатинг, эшик очганга: "Бормисан, қуёшим", денг! Телефон жиринглаcа, гўшакка юрагингизни тутинг ва бағир бериб сўрашинг! Ёнингиздан ўтиб бораётганларни пичирлаб дуо қилинг, улар сизнинг атрофдаги устунларингиз, улар борки, сиз тикка юрибсиз. Мен ҳам қўлларимни кафтингизга қўйиб турибман, юрагимнинг томирларингизга томишини эшитаяпсизми, азизим!

**(Давоми бор.)**

**Турсуной СОДИҚОВА**

Тарбия соати

# БУРЧГА САДОҚАТ

**Турмуш ўртоғим Қаюмова Хуршидабону Акбар қизига бағишлайман**

Фарзандларни оқ ювиб, оқ тараш, меҳнатга ўргатиш, саводли қилиш ва яхши тарбиялаш азалдан аёлларимиз зиммасида бўлган. Оналаримизнинг меҳрибонликларига, сабру-бардошига не-не зотлар таъзим қилган, достонлар ёзишган, байтлар битилган. Шунинг учун ҳам қадимий китобларда баён қилинишича, ота-онанинг фарзандга нисбатан саксонта ҳақи бор экан. Уларнинг қирқтаси тириклик вақтида ва қолган қирқтаси ўлгандан кейин амалга ошириладиган ишлардир.

Бунга кўра тириклик чоғидаги қирқта ҳақнинг ўнтаси танга, ўнтаси тилга, ўнтаси дилга ва ўнтаси молга таалluқлидир.

Танга таалluқли бўлган ўнта ҳақ: ота-онага сидқидилдан хизмат қилишдир. Бу шундайки, ота-онага ҳамма вақт ҳурмат кўзи билан қаралади, "қилма" деб буюрилган ишлар қилинмайди. Уларнинг маслаҳати ва розилигисиз ҳеч бир ишга қўл урилмайди, улар рухсат қилишгандагина ўтирасан. Уларнинг олдида очиқ чеҳра билан ўтир, қовоғингни солма, хўмрайиб қарама, чақирганларида эса югуриб бор, бирга юрганингда орқароқда юр.

Дилга таалluқли бўлган ўнта ҳақ: уларга раҳм-шафқат билан қараш. Доимо қўлингдан келганча яхшилик қил. Сенинг шодлигинг уларнинг хурсандчилиги билан бўлиш. Улар ғам тортсалар сен ҳам қайғур, дардларига малҳам бўл. Улар ортиқча гапирсалар ҳам ўзингга олма. Улар танбеҳ берсалар хафа бўлиш ўрнига хурсанд бўл. Уларга қанчалик яхшилик қилмагин, миннат қилмагинки уларнинг диллари заррача озор топмасин. Уларнинг қандай ниятлари бўлса, ниятларига етишишлари учун ҳаракат қил. Улар қанчалик узоқ умр кўрсалар, шунчалик қувон. Қанчалик дардли бўлсалар, шунчалик кўнгилларини ол.

Тилга таалluқли ўнтаси: уларга мулойим муомала қил ва доимо тавозеда бўл. Уларга баланд овоз билан гапирма. Уларнинг отини айтиб чақирма. Улар гапираётганда сўзларини бўлма. Уларнинг айтганларини рад қилма. Улар баланд овоз билан гапирсалар ҳам, сен паст овозда гапир. Уларнинг гапларига оҳ-воҳ, деб хитоб қилма.

Молга таалluқли бўлган ўнта нарса қуйидагилардан иборат: Ўзингга кийим-кечак қилишдан аввал, ота-онангга олиб бер. Уларга ўзинг ейдиган таомлардан ширинроқ таом қилиб бер. Бир дастурхондан овқатланаётганда таомларнинг яхшисини уларнинг олдига суриб қўй.

Шу ўринда бир ибратли ҳикоя келтирсам: **«Ханнон ибн Атия ўз онаси билан бир дастурхондан овқат ейишга қўрқиб турар экан. У доимо: "Онамнинг кўзи тушган ва энди емоқчи бўлиб турган мевасини билмасдан еб қўйсам, онамнинг кўнглига бирор гап келса, мен эса гуноҳкор бўлиб қолсам, унда ҳолим нима кечади, мен шундан қўрқаман»,** - дер экан.

Дарҳақиқат, қандай нарсани сотиб олиш истаклари бўлса, ўша нарсани сотиб олиб бер. Чунки сен ёш бўлган пайтингда нимани хоҳласанг улар ҳам сотиб олиб беришган. Иморатларини яхшила ва уни жиҳозлаб бер. Сўрамасалар ҳам пул бер, чунки улар буни ошкора айта олмасликлари мумкин. Уларга: "Топган-тутганим сизлар учун, ниманики хоҳласаларингиз бемалол олаверинглар, ҳаммасини ўзингизникидек кўринглар", - деган сўзлар билан орадаги уялиш ва тортинишни йўқот. Агар улардан узоқроқ ерда турсанг, гоҳ-гоҳ меҳмонга таклиф қилиб, иззат-ҳурматларини жойига қўйиш керак. ота-онангнинг дўстларини ҳам ҳурмат қил. Бу ишинг билан уларнинг дўстлари олдида юзлари ёруғ бўлади.

Ота-она ўлгандан кейин қилиниши керак бўлган қирқта ҳақ-ҳуқуқларга қуйидагилар киради: ўликни зудлик билан дафн этиш. Ўзинг доду фиғон қилиб йиғлама ва ўзгаларни ҳам шундай қилишларига йўл қўйма. Ота-она дафн этилгандан кейин, қабристонга уларга зиёратларига тез-тез чиқиб тур.

Агар ҳафтада бир марта зиёратга чиқишни одат қилиб олсанг, улуғ кишилар йўлини тутган бўласан. Бошқаларнинг ўлган ота-оналарини ёмон сўзлар билан ёдга олмагинки, улар ҳам сенинг ота-онангни шундай ёдга олмасинлар. Донолар хазинасида ва ҳикмат китобларида ёзилишича, кимки ўз ота-онасини ўлгандан сўнг ёмон сўзлар билан ёдга олса, у малъун кишидир.

Ота-она вафот этгандан сўнг, унинг ёру-дўстларини уйингга таклиф этиб тур. Улар билан бирга ота-онанг хотирасини ёдга ол, ота-онанг яхши кўрган овқатларни тайёрлаб, таклиф этилган биродарларига нисор эт!

Фарзанднинг ота-она олдида бурчи бўлгани каби, ҳар бир ота-онанинг ҳам фарзанд олдида бурчи бор. Ҳар бир ота ўз фарзандини номусли аёлдан туғилишига ҳаракат қилсин, токи фарзанд туғилгандан кейин одамлар шу фарзандга турли таъналар қилиб юрмасин. Болага яхши ва чиройли исм қўйсинлар. Унга илму-маърифат ўргатсинлар. Ота-она фарзандини ҳамиша ҳалол луқма билан ўстирсин. Ҳаромдан ейилган овқат болага нотўғри таъсир кўрсатади ва ҳаромхўрликка ўргатади.

**Ҳикоя қилинишича, бир куни Молик ибн Динор уйида йиғлаб ўтирган экан. Буни кўрган одамлар: "Нега йиғлаяпсан?" - деб сўрадилар.**

**У эса: "Яккаю ягона қизим бор, гапдан - гап чиқиб у менга: "Эй ота, менга ҳаром овқат едирганингдан кўра очдан ўлдирганинг афзалроқ",- деди. Мен бу ишни уддасидан чиқармиканман, шунинг учун йиғлаб ўтирибман",- деб жавоб берди.**

Ҳикоядан келиб чиққан ҳолда шу нарса маълум бўладики, ҳар бир ота-она ўз фарзандини фақат ҳалолдан топилган луқма билан боқиши лозим. Бунинг учун ота-онанинг ўзи, аввало маънан бой ва покиза бўлиб туғилмоғи лозим. Она ҳомиладорлик пайтида ҳаром ишлардан ва сифатсиз овқатдан тийилиши лозим.

Шу ўринда мана шундай хислатларни баҳоли қудрат ўғил-қизлари, набиралари ва шогирдлари онгига сингдирган, қалбларини покликка ўргатган, машаққатли, аммо шарафли меҳнатини, бутун умрини, ёшлигини болалар тарбиясига бағишлаган, қайнонасини, беш йил ётиб қолганда, сабр-бардош билан оқ ювиб тараган, рози-ризолигу, битмас-туганмас дуоларини олган, камтарин, хокисор инсон, турмуш ўртоғимга миннатдорчилик билдираман. Ва ўз ҳаётимда кўрган-кечирганларимни мухтасар баён қиламан:

**1982 йил феврал ойининг бошлари, ерда қор бўлмаса ҳам совуқ юз-кўзларни, қулоқ-бурунларни чимчилаб ўтар, кечки изғирин тургани сезилмокда, оқшом тушганини эслатувчи чумчуқларнинг чирқиллаши ҳам қулоққа чалинмайди. Қий-чув солиб, бақиришиб юрадиган болалар ҳам жим. Сокинлик. Ҳаммаёқ сукунатга чўмган. Фақат бежиримгина безатилган ҳужрада қайнона ва келиннинг сўнгги видолашув онлари бошланмокда. Келин болишларни устма-уст қўйиб, қайнонасининг бошларини баландроқ кўтариб, лабларига сув тутмокда. Қайнонанинг узоқ вақт ётганлик нишонаси бўлса керак, ранги синиққан, юзлари заъфарон, кўзларининг нури секин-секин сўнмокда, аммо келинига бўлган миннатдорчилиги шундоққина билиниб турибди.**

**Қайнона лаблари билинар-билинмас қимирламокда, келиннинг бутун вужуди қулоққа айланган: "Болам, ёлғиз ўғлимни сенга, сени Худога топширдим, болаларингга, айниқса, қизларингга эҳтиёт бўл, сенга ишонаман". Кўзларидан шашқатор оқаётган ёшларини тўхтатолмай келин: "Ойижон, сиз қанча яшасангиз ҳам хизматингизни қилиб чарчамайман", - деди.**

**Шу пайт қаердандир учиб келган арвоҳ капалак дераза пардасига келиб қўнди. Секин-секин сўнаётган кўзлар арвоҳ капалак қўнган парда томонга қадалди.**

Ким билади дейсиз, балки Онани уруш пайтида узоқ Украина ерларида қолиб кетган турмуш ўртоғининг арвоҳи бирга олиб кетгандир? Балки Азроил омонатини олгани, арвоҳ капалак қиёфасида келгандир? У ёғи ёлғиз Оллоҳга аён.

Қайнонанинг тинимсиз шашқатор оқаётган кўз ёшларига ички бир нидо ҳам қўшилди: шу муштипар, хокисор, бутун ҳаётнинг жабру-жафоларини шу кичкина елкасида кўтарган, ўттиз ёшида эрини урушга жўнатиб, беваликда учта фарзандини оёққа турғизиб, эл қаторига қўшган, шу азиз ва меҳрибон инсонга, беҳисоб ризқи рўзингдан озгина ризқ, бепоён кенгликларингдан бир парча ер тополмадингми, эй бераҳм фалак!

Онажоним ҳам эл қатори яшаётган инсонлар каби, не-не умидлар билан вояга етказган ёлғиз ўғлини, набираларини роҳатини кўрса нима қиларди, эй Худо!

"Туф-туф" гуноҳкор бандангни ўзинг кечир, дея ўзини қўлга олди ва бошқа уйга, қайнонаси тириклик пайтида ўз қўллари билан тикиб битказган кўрпачалардан жой солиб, қайнона бошларига оқ ҳарир дока рўмол ўратиб, майидни болалари кўмагида янги жойга олиб ётқизди. Келин ҳам ойдинсиз тун каби қора либосга бурканди.

Отин ойи чақиртирилди, қўни-қўшнилар, ёру-биродарлар, қариндош-уруғлар бирга бўлиб, келинлик давридан то етмиш етти йиллик ҳаёти даврида не-не жабру-жафоларни тортган, бир ўғил ва икки қизни вояга етказиб, уйли-жойли қилиб, эндигина роҳат кўраман деганда бандаликни бажо келтирган қайнонаси жасади бугун келиннинг энг азиз меҳмони!



Қайнонаси ҳам, келинидан бир умрга рози бўлганини билдирганидек, сал жилмайган ҳолда ҳур қизлардек мангулик уйқусида ухламоқда. Тонг отгунча саловатлар ўқилди, қуръон тиловатлар қилинди.

Эртасига бутун қишлоқ аҳли, ёшу - қари Онанинг ҳурматини бажо келтириб охирги манзилга кузатишди.

Бу воқеаларга анча йил ўтганига қарамай, келин ҳар пайшанба қайнонаси яхши кўрган ҳолвайтар тайёрлаб, билганича қуръон тиловат қилади, вақти-вақти билан болалари ва набираларини етаклаб қайнона қабрини зиёрат қилади, қайнонаси яхши кўрган таомларни эслаб-эслаб тайёрлайди. Улуғ айём кунлари қайнонаси ёру-биродарларини чақириб ифторликлар қилади.

Янги ишни бошламоқчи бўлса, албатта: "Қайнонам ҳаёт бўлганларида бундай қилган бўлардилар ёки бундай қилган деб айтган бўлардилар", - деб иш бошлайди.

Қайнона ўгитлари доим қулоғи остида жаранглайди. Шунинг учун ҳам беш қизни ўз вақтида эгасига топшириб, ўғлини ўз вақтида уйлантиргандир, ўн саккизта набиранинг бувиси бўлгандир?!

Хонадондаги тўкин-сокинлик, хотиржамлик, соғ-саломатлик, аҳиллик, бир-бирига меҳрибонлик, одоб ва ахлоқ келинни қайнонага қилган хизматлари эвазига келинга Оллоҳ томонидан берилган мукофот бўлса, не ажаб!

Ёшинг ўтиб, ақл хазинанг тўлиб борган сари аввалига аждодларимиз бизга мерос қилиб қолдирган ҳикматли сўзларнинг нақадар ҳаётийлигини кўриб, уларга минг бора таъзим қилгинг келади. Ижозатингиз билан шулардан айрим намуналар келтирсам:

"Эр-хотин қўш ҳўкиз", "Қуш уясида кўрганини қилади", "Онасини кўриб қизини ол", "Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин". Изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

Атрофимизда яшаб турган ҳар бир инсонга, газетани интизорлик билан кутаётган ҳар бир мухлисга обод бўстонида ва ахлоқ гулистонида юриш насиб этсин!

Ҳа, азизлар! Буни - ҳаёт дейдилар!

**Қурбонбой ҚАЮМОВ,**
**Тошкент тумани қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сифат бўйича давлат инспектори**

***Оналаримизнинг ҳаё-иффати, хокисорлиги, жонфидолиги, оталаримизнинг мардлиги, донолиги бизга қадимдан мерос бўлиб, маънавий хазинамизга айланган. Азиз дўстим, келинг, оламни олам қилиб асраб тургувчи ана шу бебаҳо маънавий хазинамиз — фарзанднинг ота-онага, келин-куёвнинг қайнона-қайнотага меҳру садоқати ҳақида бизга ёзиб юборинг. Ота-оналаримизга бурчу садоқатимиз ҳақида бир-биримизга ҳикоя қилиб инсонийлик китобига ўз ҳиссамизни қўшайлик.***

# ОР-НОМУС, АНДИША ҲАМ КЕРАК

*«Қайноғамни севар эдим»— 50-сон, 2002 йил*



**ЭСЛАТМА: Эримнинг акаси билан мактаб чоқлари севишиб хат ёзишар эдик. Аммо у тўнғич фарзанд бўлгани учун тез уйланиб кетди. Орадан икки йил ўтиб унинг акасидан менга совчи келди. Мен ота-онамга акаси билан севишганимизни айтолмадим. Хуллас мени ўша хонадонга келин қилиб тушириб боришди. Аммо вақт ўтиб эрим ҳамма гапдан огоҳ бўлди. Уйда катта жанжал бўлиб, қайнонам мени ҳайдаб юборди. Яқинда она бўламан. Аммо менинг ҳолимдан ҳеч ким хабар олмаяпти.**

**КУМУШОЙ**

Аввало, бу ерда Кумушнинг ҳам айби бор. Эркиндан совчи борганида бир пайтлар унинг акасини севганлигини айтганида ота-онаси тушунишган у ҳам бошқа бир йигит билан турмуш қуриб, бахтини топиб кетган бўлармиди?! Агар Кумуш ҳақиқатни айтганда тақдирида ҳам Эркиннинг акаси Т. индамай юрганида олам гулистон бўларди. Ахир ўша хонадонга Т.га "ўйнаш" эмас, укаси Эркинга жуфти-ҳалол келган эдику! Наҳотки, ноинсоф Т. буни ўйлаб кўрмади. У ўз туғишган укасининг хотинини йўлдан уриб, элу юрт, маҳалла-кўй олдида шарманда бўлишларидан чўчимади.

Наҳот, бир қишлоқда яшаб, бунинг устига Кумуш билан синфдош бўла туриб, акаси билан унинг ўртасидаги ишқий муносабатни Эркин пайқамай, Кумушга уйланишга рози бўлди. Атрофида қиз каммиди?

Бир дугонам қизлик чоғида қўшни қишлоқлик Ф. исмли йигит билан севишиб қолди. Бу пайтда Ф.нинг акаси ҳарбий хизматда эди. Маълум муддат ўтгач, Ф. ҳам хизматга кетди. Акаси хизматдан қайтгач, дугонамга совчи қўйди. Ота-онаси рози бўлишди. Дугонам, худди Кумушойдек, И.га укаси Ф.ни севишини айтмади, тўғрироғи бунга журъат қилолмади. Улар фарзандли бўлишганда Ф. армиядан қайтиб келди. Кўрса-ки, акаси унинг севган қизига уйланибди. Ф.нинг бундай аҳволдан дарду дунёси қоронғу бўлса-да, ҳеч кимга ҳеч нима демади. Дугонам ҳам ҳеч нима бўлмагандай уй юмушларини қилиб юраверди.

Бир ҳафта ўтмасдан Ф. бечора Қарши чўлига ишлагани кетди. Чўлда ҳам ишлаб, ҳам овуниб, пул топиб қишлоғидаги З. исмли қизга уйланиб, ичкуёв бўлиб кетди. Энди ўйлаб кўрсам, Ф. дугонамни чин дилдан севган экан-у, акаси И.ни бахтини, орномусини ўйлаб, уйини ташлаб, ичкуёвликнинг барча қийинчиликларига чидаб яшашга мажбур бўлган экан.

Ҳозир дугонамнинг ҳам, Ф.нинг ҳам 3-4 тадан фарзандлари бор.

Яхшиямки Кумушнинг қайнонаси барча кўнгилсизликларни олдиндан пайқаб, бу кўргуликка чек қўйибди. Йўқса, эси паст, ўз нафсини жиловлай олмаган номард ака туфайли Эркин кўча-кўйда бош кўтаролмай қолармиди? Энди Кумушга маслаҳатим, бундан буён ўйлаб иш тутсин. Туғилажак фарзандини ақли расо, оқибатли қилиб тарбияласин. Унинг бахти шунда.

**София УЗОҚОВА**
**Шаҳрисабз шаҳри**

# ҲАЁТГА ТЕРАН НИГОҲ БИЛАН БОҚИНГ

*«Қувончим ичимга сиғмасди»— 47-сон, 2002 йил*

**ЭСЛАТМА: Опамнинг тўйида бир йигит билан танишиб қолдим. У халқимизнинг севимли хонандаси. Бир-биримиз билан яхшилаб танишиб олдик. У билан муносабатимиз тўғрисида онамга айтдим. Улар бизнинг севгимизга мутлақо қарши чиқдилар. Шундай бўлса-да, у билан учрашишни канда қилмасдим. Аммо вақт ўтиб унинг қўнғироқлари камайиб, ўзини бепарводек тута бошлади. Мен эса сиқилавериб чекишни одат қилдим. Гоҳида иродасизлигимдан, иффатсизлигимдан, кундан-кун сўлиб бораётганимдан афсусланаман...**

**Н.**

Ҳурматли Н., бизга ҳаёт фақатгина бир бор берилади. Шу ҳаётимиз давомида кимгадир яхшилик қилишимиз ёки бўлмаса ўзимизга яратилган имкониятдан унумли фойдаланишимиз даркор. Н., сиз ота-онангизни ишонган суюкли фарзандисиз, шу сабабли бир номард йигитни деб ёш умрингизни хазон қилишга не ҳожат?! Ҳар қандай вазиятда ҳам иродали, ақлли қиз бўлишингиз лозим. К. акангизга келсак, ҳақиқий мард йигит бўлганида сизга озор етказмаган бўларди. Ким билади, сизга нима мақсадда гапирган экан?! Балким ўзининг бойлигига, шон-шуҳратига ишониб қиз боланинг севгисини қозонмоқчи бўлгандир, лекин бир нарсани унутган экан, у ҳам бўлса инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, бир-бирига ишончни. Ким кафолат бера олади, бундай ҳодисанинг қайта такрорланмаслигига? Ҳеч ким! Чунки назаримда ҳозирги кунда "севги", "муҳаббат" деган тушунчалар биз ёшлар ўртасида арзимаган нарсага айланиб қолгандай. Лекин шундай бўлса ҳам сиз ўзингизни қўлга ола билишингиз лозим, дугонангизни берган маслаҳатига қойил қолмадим. Агар у сизга ҳақиқий дўст бўлганида сизни тўғри йўлга сола билиши лозим эди. К. акангиз ташлаб кетгани билан сиз учун ҳаёт тўхтаб қолмайдику! Фақатгина сиз ҳаётга теран нигоҳ билан боқишга ҳаракат қилинг. К. ҳали қилган ишига пушаймон ҳам бўлар, афсуски, унда жуда кеч бўлади. Н., сиз мени тўғри тушунасиз, деган умиддаман. Сизга Аллоҳдан букилмас ирода, сабр-тоқат тилаб қоламан. Агар хоҳласангиз таҳририятдан манзилимни олиб менга мактуб йўлланг. Ёки бўлмаса телефон рақамимни оларсиз. Сиз билан яқиндан танишмоқчиман.

Сизга чин юракдан бахт тилаб қолувчи

**ШАҲНОЗА**
**Бухоро вилояти, Пешку тумани**

# ОЛЛОҲИМ, АЁЛНИ ФАРЗАНДСИЗ ЭТМА!

*Акс-садо*

**ЭСЛАТМА: Фарзандсизлик туфайли умримнинг энг ширин лаҳзалари ўтган хонадонни ташлаб ота-онам қошига қайтиб келдим. Турмуш ўртоғимнинг яна уйланиб фарзандли бўлганлигини эшитиб севиндим, сўнг ўксидим, тўйиб-тўйиб йиғладим. Вақт ўтиб хотини вафот этган, икки фарзанди бор эркакка турмушга чиқдим. Улар менинг кемтик қалбимни тўлдирди. Уларга берган меҳрим туфайли мен ҳам фарзанд кўрдим. Аммо фарзандимнинг кўзлари қорачиқлари умуман йўқ, ногирон эди.**

**МАЙСАРА**

*«Кўзларингга нур бўлай, болам»—52-сон, 2002 йил*

**Фарзанд гулдир, она бир бўстон,**
**Шунинг билан жаҳон гулистон.**

Ҳа, ҳассос шоиримиз Ҳамид Олимжон ҳаётимиз безаги, умримиз кўрки бўлган фарзандларимиз ҳақида бежиз жўшиб куйламаган. Ҳақиқатан ҳам, фарзанд - умр меваси. Усиз уй — зимистон.

Майсаранинг биринчи турмушидан 10 йил мобайнида фарзанд кўрмай, Оллоҳга қилган нолаларини ўқиб дил-дилимдан ачиндим.

Фарзанд бўлмагач, бечора Майсара ўн йиллик иссиқ ўрнини тарк этиб, отаонаси бағрига борибди. Икки боласи бор, хотини ўлган эркакка турмушга чиқибди. Ўшалардан юпанч излабди муштипаргина. Унинг оҳлари Оллоҳга етган шекилли, ўзининг бўйида бўлганини аён бўлиб, оламларга сиғмай қувонибди. Шу кунни қанчалар кутганини докторга айтиб, унинг дунё юзини кўришини интиқлик билан кутибди.

Дили ўксик Майсара она эмасми, барибир ҳам кўкка сиғмай севинганмиш, "Эзгуликнинг чеки йўқ-да!" Гапларидан уқиб олинг буни:

"Ногирон бўлсанг-да, сен туғилдинг, орзум, умид юлдузим болажоним, менинг жону-жаҳоним, юрагимнинг бир парчаси. Сени бағримга босар эканман, Оллоҳга шукрлар айтаман. Сени мўътабар деб айтаман..."

Мукофот устига мукофот тарзида унга Оллоҳ яна кўзлари ёниб турган ажойиб қизалоқ — соғлом Ситорабонуни насиб этибди!

Фарзанд завқи ила яйраган аёл дунёларга алишгусиз бахтини кўз-кўз этиб, баъзи оналарнинг ўз фарзандини "Меҳрибонлик" уйларига ташлаб кетаётганини эслаб, нола қилади, лаънатлайди уларни!

Ўзининг ногирон фарзандини "Менинг ортимда қолувчи дилбандимсан. Қодир эгам балки кўзларингга нур берар, балки ўзим, ўзим кўзларингга нур бўларман болам", - дейди комил ишонч билан.

Ҳа, Майсарагинанинг сўзларидек оналар фарзандларига, айни чоқда, фарзандлар ўз оналарига жон нисор этадиган бўлсалар қандай яхши! Шунда ҳаёт гўзал бўлади.

Сир эмаски, Майсаранинг етим болаларга муносабати, эрининг ўксик дилларига малҳам бўлиши, айни чоқда, йиллар довини елкасида кўтариб тушкунликка тушмай яшай билиши бошқаларга ўрнак бўлгуси!

Сўзим ниҳоясида, Оллоҳ элимиздаги биророта аёлнинг ҳам бефарзанд бўлмаслигини, уларни ҳам "Супрасидан қуруқ қўймаслиги"ни тилаб қоламан.

**А. ҲАСАНОВА**
**Тошкент шаҳри**

*Мухлисларимиз нега бизга дилларини очадилар, сирларидан огоҳ этадилар. Чунки, инсон ҳамиша ўзини тушунишларини, ўзига меҳр-шафқат кўрсатишларини, йўл-йўриқ кўрсатишларини истайди. Келинг дўстим, севимли газетангизда чоп этилган дил изҳорларига кўнгил сирларини шунчаки лоқайдлик билан ўқимайлик. Йиқилганни суяб турғазайлик, адашганга йўл кўрсатайлик, дардманд дардига малҳам бўлишга интилайлик.*

# ЙЎЛБАРСНИНГ ЖИНСИ БЎЛМАЙДИ

*«Қиз фарзанд эмасми?»— 49 -сон, 2002 йил*

**ЭСЛАТМА: Қўшнимизнинг ўғли Ғайрат ва унинг хотини Гуллола қиз фарзандли бўлишди. Икки йил ўтиб иккинчи фарзанд туғилди. У ҳам қиз эди. Бу янгилик Ғайратни хурсанд қилмади. Гуллола учинчи фарзандга ҳомиладор пайтида Ғайрат хотинига «учинчисини ҳам қиз туғсанг, уйга келиб юрма», деди, Гуллола эса яна қиз туғди. Уни ҳеч ким сўраб келмади. Шундай бўлса-да чақалоқни бағрига босиб эриникига йўл олди. Уйда ширакайф Ғайрат қизларини сўкарди. Остонада чақалоқ кўтариб турган Гуллолани кўриб тутоқиб кетди...**

**Шаҳноза ЮСУПОВА**

Бу мақолани ўқиб, ўн олти йил аввалги бир воқеа ёдимдан кечди. Ўшанда 24 ёшда эдим, мактабда ўқитувчилик қилардим. Ҳамкасблардан бири фарзандлик бўлибди. Беш-олти нафар ҳамкасблар уни ўртага олиб "юв-юв" қилиб туришибди. Ота бўлмишнинг шашти пастроқ. Қўл олишиб, табрикладим:

- Умри билан, эс-ҳуши билан берган бўлсин!

Кейин сўрадим:

- Ўғилми, қизми?

- Қиз туғилди, - деди қандайдир тушкунроқ.

- Жуда яхши, заргарлик маҳсули бўлибди, - дедим чин кўнгилдан. У бўлса қовоғини уюб минғирлади:

- Ўғил кутгандим!

- Экканингни оласан-да, укам! - деди жисмоний тарбия муаллими.

- Қозонда бори чўмичга чиқади! - аския қилган бўлди кимёчи.

Бу гаплар негадир менга ёқмади.

- Ошна, - дедим бошқаларга ҳам эшиттириб, - "Аҳмоқнинг каттакичиги бўлмайди!" Шунинг учун буларнинг гапини кўнгилга олманг. Яна билиб қўйинг, йўлбарснинг ҳам эркак ё урғочиси бўлмайди, униси ҳам - ЙЎЛБАРС, буниси ҳам - ЙЎЛБАРС! Чиябўрининг ўғлидан йўлбарснинг қизи афзал!

Ҳамма жим бўлиб қолди.

- Сизга ақл бўлиш эмасу, - дедим йўлакка чиқаётиб, - лекин эсингиздан чиқарманг, муҳими гўдакнинг жинси эмас, балки унинг борлиги ва унга бериладиган тарбия!

"Ювиш" бўлса қочмас...

Энди яна бир тарихий ибратни ҳам эсга олиб ўтсак.

Жоҳилия даври (ислом дини қарор топгунча бўлган давр)да араблар қиз туғилса, чақалоқни тиригича кўмдириб юборар эканлар. Жаноби Расулуллоҳ С.А.В. биринчи галда айнан шу жаҳолатга барҳам берганлар. Ул зотнинг уммати - биз нега баъзан қиз туғилса, аёлимиздан ранжиймиз? Мен шуни тушуна олмайман. Қиз кўриш, қиз ўстириш асли пайғамбаримиз С.А.В.дан суннат-ку!

Жаноби Расулуллоҳ С.А.В. "Уч нафар қиз фарзандни вояга етказган мўъмин ҳеч бир тўсиқсиз жаннатга киради!" - деб марҳамат қилганлар ҳадиси шарифда.

Гуллоланинг турмуш ўртоғи Ғайрат ўз нодонлигию баднияти боис бу дунёда фарзанд доғини кўриб, дорилбақо жаннатидан ўзўзини маҳрум этган ҳам бўлса, не ажаб.

**Дилмурод САЙЙИД**
**Тошкент шаҳри**

# ТАБРИКЛАР, ҚУТЛОВЛАР, ЭЪЛОНЛАР!



**Ҳурматли МАЪМУРЖОН ака!**

Акажон! Сиз бизнинг баланд қўрғонимизсиз. Биз сизни туғилган кунингиз билан қутларканмиз, ҳар кунингиз қувончга тўлиқ бўлсин.

**Сингилларингиз Озодахон, Мухтасархон, Маҳфузахон**



**Онажоним Турсуной АШУРОВА!**

Сизни 43 ёшга тўлишингиз билан чин дилдан табриклайман. Бахтимизга соғ-омон бўлинг.

**Қизларингиз Ўриной ва Зарнигор**



**Мунис онажонимиз Саодат ҲАКИМОВА!**

46 ёшни қарши олишингиз билан самимий табриклаймиз.

**Турмуш ўртоғингиз Баҳромов Фармон ва фарзандларингиз Насиба, Қаҳрамон, Алишер, Феруза, Нигора**



**Онажонимиз Улбашой НОРАЛИЕВА!**

Сизни туғилган кунингиз билан чин кўнгилимиздан табриклаб, сизга соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

**Оиламиз номидан ўғлингиз Акбаржон, келинингиз Нигорахон**



**Жажжи қизимиз Муниса РАҲИМОВА!**

Сени таваллуд айёминг билан чин қалбдан табриклаймиз.

**Аданг Ҳамидулла, ойинг Маъмура, акаларинг Абдураҳмон, Абдурасул.**

**Севимли бувижоним Зулпина ҲИКМАТОВА!**

Сизни табаррук 79 ёшга тўлишингиз билан муборакбод этамиз. Сизга соғлиқ, фароғат тилаймиз. Янада узоқ умр кўришингизни истаймиз.

**Неварангиз Раъно, чеварангиз Моҳичеҳра**

**Ҳурматли БУВИЖОН!**

Сизни муборак 80 ёшингиз билан табриклайман. 9 нафар фарзандингиз, набираларингизнинг роҳатини кўриб юринг.

**Набирангиз Маҳмуда**

**Дадажонимиз Умар ҚОДИРОВ!**

Сизни 33 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз. Умрингиз узоқ, йўлингиз бехатар бўлсин.

**Рафиқангиз Бувинисо ва фарзандларингиз Шавкат, Сарвиноз, Зарафшон**

**Янгажоним Мўътабар Муродова ва акажоним Низом МУРОДОВ!**

Туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин. Дадажоним билан онажонимнинг арвоҳлари доимо сизларни қўлласин.

**Синглингиз Зулайхо Муродова, Косон тумани**

**Ҳурматли П. ЭРГАШЕВ!**

Сизни 12-январ таваллуд топган кунингиз билан табриклаб, сизга соғлиқ, омад тилайман.

**Дўстингиз Гулчеҳра**

**Азизим АКМАЛ ака!**

Сизни туғилган кунингиз билан қизғин табриклаймиз! Мен ва ўғилларимизнинг бахтига доимо соғ бўлинг.

**Рафиқангиз Гулчеҳра, фарзандларингиз Шерзод, Акбар Жиззах шаҳри**

**Ҳурматли опажоним РАҲНАМО!**

Сизни таваллуд айёмингиз билан табриклайман. Жиянларим Дилрабо ва Маҳабо бахтига соғ-омон бўлинг.

**Йўлдошбек**

**Ҳурматли Алишер ЖЎРАЕВ!**

Таваллуд айёмингиз билан табриклайман.

**Йўлдошбек**

«ЗУККО» фирмаси ўқув маркази Сизларни замонавий касбларни ўргатадиган турли ўқишларга ТАКЛИФ ЭТАДИ

**1 ойлик:** - Тижорат ва озиқ-овқат дўконлари учун сотувчилар. Бир ойга 6000 сўм; Компьютерчилик - **10000 сўм** (Windows 2000 Microsoft offise-word, excel, paint).

**2 ойлик:** - Вышивка - **5000 сўм**. Ҳар хил торт, салатлар тайёрлаш. Бир ойга **5000 сўм**. - Сартарошлик, бир ойга **5000 сўм**. - Массаж (умумий) бир ойга **5000 сўм**. - Уй ҳамшираси бир ойга **5000 сўм**. - Энг замонавий усулларда "Элита" пардалари ва чойшабларни тикиш, бир ойга **5000 сўм**.

**1-Манзил: Метронинг "Тинчлик" бекати ёнида жойлашган. Эслаб қолинг: «Зукко» фирмасининг ўқув маркази. "Адидас" дўкони ёнида. Тел: 42-36-71**

**3 ойлик:** - Бичиш-тикиш, бир ойга **5000 сўм**. - Инглиз тили (бошловчилар учун), бир ойга 5000 сўм. - Акушерлик, бир ойга **7000 сўм**. - Теле-радио усталари, бир ойга **5000 сўм**. Қўлда тўқиш, бир ойига **5000 сўм**. Сотувчилик бир ой **10000 сўм.**

***Ўқишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади. Вилоятдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Фирма сифатли ўқитишга кафолат беради. Ҳамма ўқишлар амалиёти билан.***

**2-Манзил: Юнусобод тумани, «Қозоғистон» кинотеатри биноси ичида. Тел: 35-10-36**

**"Санам Сервис"** ўқув маркази билан Тошкент Давлат Техника Университети қошидаги SIMUZ техника маркази ҳамкорликда замонавий касб-ҳунар курсларга таклиф этади.

**4 ойлик:** 1. Бичиб-тикиш (чокдан бошлаб). 2. Ганчкорлик (гипс билан ишлаш).
**3 ойлик:** 3. Торт (келин-куёв шаклида) пишириш, салатлар (олий даражадаги кулинария, 10-кун). 4. "Элита" парда, чойшаб ва ёстиқлар тикиш, уй безаш. 5. Ҳамширалик (амалиёти билан). 6. Уқалаш (амалиёт билан). 7. Радио-техника таъмирлаш. 8. Инглиз тили (бошланғич ва давом эттирувчилар учун). 9. Бухгалтерия. 10. Компьютер MS-DOS, NC, LEXICON, WINDOWS-2000, COREL DRAW, Oraclt, Novell, Base, Fox Pro, Clipper, PCAD, ORCAD, AVTOCAD. Компьютер тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш.
**2 ойлик:** 11. Косметология. 12. Сартарошлик. 13. Фантазия гул безак ясаш.
**1 ойлик:** 14. Бадиий маникюр ва педикюр.

**1-Манзил: Миробод туман «Марказий Темир йўллар маданият саройи. Моворунахр кўчаси, 30-уй. Мўлжал — метронинг «Тошкент» бекати, Темир йўл кассасининг қаршисида.**
**2-Манзил: Миробод туман Афросиёб кўчаси, 5-уй. Мўлжал — метронинг «Ойбек» беаати ёнида жойлашган 16-қаватли бинонинг 1-қавати. 57, 67, 58 автобуслар.**
**3-Манзил: Себзор даҳаси, 310-лицей-мактабнинг 1-қавати.**
**4-Манзил: Собир Раҳимов тумани, Ниёзова кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчасидаги 80б ётоқхонанинг 9-қават, 13-хонаси. Мўлжал — Нукус кинотеатри ёнида. Ал-Нажот клиникаси оркали кирилади. Тел.: Соат 8 $^{00}$дан 22$^{00}$гача 49-18-71; соат 10 $^{00}$дан 17$^{00}$гача 56-34-10, 46-58-11, 46-49-16; соат 17 $^{00}$дан 22$^{00}$гача 40-20-59**

**«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР»** ўқув маркази таклиф қилади.

**3 ойлик курслар:**
- Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео аппаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили.
- Компьютерларни таъмирлаш устаси

**2 ойлик курслар:**
- Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL.
- Бухгалтерия ҳисоби, - Енгил автомобилларни электр қисмини созлаш. **1-С Бухгалтерия** дастури — **1 ойлик.**
**- Компютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз.**

**Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82**

**«ЎКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:**

1.Тикиш-бичиш - 3 ой. Бошловчилар учун 6 ой. 2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт машғулотлари ўтилади. 3. Компьютер - 2 ой. Курс WINDOWS-2000, MICROSOFT, OFFICE-2002. Якка тартибда, кафолатли. 4. Сартарошлик - 3 ой, амалиёти билан. 5. Тиббий массаж - 2 ой, амалиёти билан. 6. Торт ва турли пишириқлар- 2 ой, олий курс - 1 ой. 7. Парда, чойшаблар. Элита усулида замонавий тикиш - 1 ой. 8. Сартарошлик (Эркаклар учун) - 2 ой. Каштачилик - (машинада вышивка) - 3 ой. 9. Инглиз тили - 3 ой. 10. Зардўзлик (Бухороча)- 3 ой.

**Ўқишни тугатганларга диплом берилади. Ўқишга қабул ҳар куни.**

**Манзилимиз : Юнусобод тумани 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 125-46-27, 21-17-95. "Ўктамхон" ўқув маркази филиали Қибрай тумани, Ўнкўрғон маҳалласидаги 30-ўрта мактаб биноси ичида.**

***УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҒОЗИЕВИЧ***

**ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН қовуғи бўш 10 ёшдан ошган ЎҒИЛ ва ҚИЗ болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.**

Буйрак, қовуқ, простата бези касалликларини аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ.
Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, якшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.

**Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. "Чорсу" шоҳбекатидан 464, 469,522-автобусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатигача борилади. Телефон: 8 296 56023.**
**Лицензия рақами 3271**

**Яккасарой туманидаги 5-хонали уй сотилади. (3-қават) Тел: 50-91-46**

**Юнусобод туманидаги 253-мактаб томонидан Алимжонов Шерзод Ҳамидуллаевич номига 1996 йил 19 июн №014649-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**ЎЗБЕКИСТОН РАДИОКАНАЛИ**

**Узун тўлқин-1851,9 м. Ўрта тўлқин-282,5 м. Ультра қисқа тўлқин-4,46 м. FM-103,5 м**
**Радио орқали реклама тезкор, самарали ва арзон!**
**Бизни бутун Ўзбекистон ва қўшни мамлакат тадбиркорлари ҳам тинглашади.**
**Телефон: 133-24-26, 133-92-04, 133-49-95**



Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.**

## СОҚОЛ ЗАРАРЛИМИ Ё МЎЙЛОВ?

◉ Иккаласи ҳам, дейишмоқда америкалик тадқиқотчилар.

Америка дорилфунунларидан бирининг олимлари мўйлов ва соқолли кишилар юзасидан тадқиқот ишларини ўтказишди. Уларнинг фикрича, соқол ё мўйлов қўйиш ўз умрини бир неча йилга қисқартириш билан баробар экан, яъни ҳозир ҳаво илгаригидек тоза эмас, экологик шароити бузилган ҳозирги шароитда соқол-мўйловга заҳарли ҳаво ўтириб қолади, сўнг нафас йўллари орқали одам ўпкаси ва организмига тарқалади.

Агар чекиш соқол-мўйловини қиртишлаб юрганлар учун ҳам зарарли бўлса, соқолликлар учун зарарлилик даражаси 5-7 марта кўп бўларкан.

## КИМ ҚАНЧА МЕҲНАТ ҚИЛАДИ?

◉ Маълум бўлишича, японияликлар сайёрамизда энг кўп меҳнат қилувчм халқдир. Статистик ҳисоб-китобларга кўра, ҳар бир япониялик йилига ўртача 2096 соат ишлаб-чиқаришда банд бўларкан. Иккинчи ўринда Щвейцария - 1966 соат, америкаликлар эса йилига ўртача 1909 соат иш билан шуғулланиб, дунёда учинчи ўринни эгаллаб турибдилар.

## РУЛДА - ИЛОН

◉ Колумбиянинг Мараканбо шаҳрида илон туфайли марказий кўчада автомобиллар ҳаракати тўхтаб қолди. Серҳаракат кўчалардан бирида кетаётган машина олдиндаги машинага бориб урилган ва натижада ҳаракатни тўрт соатгача йўлга қўйиб бўлмаган.

Мигел Урданет деган киши ўз машинасида кетаётиб, елкаси оша нимадир сирғалиб тушаётганини сезиб қолган. Бу узунлиги уч метрдан зиёд бўлган заҳарли илон экан. Ҳайдовчи эсанкираб тез кетаётган машинанинг эшигини очган-у, ўзини кўчага отган. Рулида илон чирмашиб олган машина эса йўлда давом этиб, светофорда тўхтаб турган машинага бориб урилган. Зудлик билан чақирилган ўт ўчирувчилар командаси "қоида бузар"ни зўрға 4 соат давомида машинадан суғуриб олишган.

## ФУТБОЛ ИШҚИБОЗИ

◉ Жанубий Африканинг Сирос шаҳрида яшовчи Шенхуберлар оиласида Робин лақабли тўтиқуш яшайди. Ҳар бир гапни ўрнида ишлатувчи бу қушнинг сўз бойлиги жуда кўп. Робин ойнаи жаҳон кўрсатувларини, айниқса футболни мириқиб томоша қилади. Кўрсатув давомида қуш хўжайинининг авзойига қараб гапира бошлайди. Айтайлик, бирор футболчи тўпни олдириб қўйди, шунда Робин соҳиб билан биргаликда "Майдондан йўқол, ландавур!", "Сенинг ўрнинг ўйингоҳда эмас, далада", деб қичқиради. Аксинча бўлса: "Баракалла, офарин", деб мақтайди. Уй эгаси севимли қушининг сўз бойлигини янада оширишни истайди шекилли, ҳар футбол ўйинида дўстларини ҳам уйга таклиф этиб туради.

## ЯРИМ ЙИЛДАН КЕЙИН ТОПИЛГАН БАРМОҚ

◉ Американинг Суитустер шаҳрида яшовчи Роберт Линдсей моторли қайиқда сайр қилиб юрганида, бир дўстининг қизи чўкаётганига кўзи тушиб қолади. Қутқариш учун ўзини шартта сувга отади. Шу пайт қайиқ парраги Робертнинг учта бармоғини шартта кесиб ташлайди. Лекин шундай бўлса-да, қизни қутқаради. Сўнг бошқа балиқчилар билан бирга бармоқларини излашга тушди ва топишди ҳам. Дўхтирлар эса бош ва кўрсатгич бармоқларини ўз жойига улаб қўйишди. Фақат... жимжилоқ бармоқни топиша олишмади. Аммо ярим йилдан сўнг ушбу бармоқ топилди!

Ўшанда балиқчилар тутиб келган гулмоҳи балиқни ичини ёришган экан, унинг ошқозонидан Робертнинг жимжилоқ бармоғи чиқди.

**ҲУЛКАР тайёрлади**

## «Оила ва жамият» ўгитномаси

**Борликка йўқликни қилмагин улфат,**
**Тўқликка шўхликни қилмагин улфат.**
**Сув билан олов ҳеч бўлмаган ошно,**
**Кўзсизга кўзликни қилмагин улфат.**

* * *

**Кўзинг оч, эй ғофил, замон ўтмоқда,**
**Тевасин елдириб карвон ўтмоқда.**
**Эзгулик нури-ла безаб қол умринг,**
**Карвоннинг сафида инсон ўтмоқда.**

* * *

**Ҳаётда ҳар кимдан ҳар хил ном қолур,**
**Яхшидан бол каби хуш калом қолур,**
**Инсоний хислатни қила олсанг жам,**
**Шаънингга ҳурмату эҳтиром қолур.**

* * *

**Туннинг ёруғлиги ой нуридандир**
**Ҳикматлар оталар шууридандир.**
**Ман-ман деб гердайиб, мақтанма асло,**
**Ҳар кулфат ман-манлик қусуридандир.**

**Соип МУХАМЕДОВ**

# ОЁҚДА ҚАДОҚ ПАЙДО БЎЛСА...

Баъзан оёқнинг товонга яқин жойида қадоқлар пайдо бўлади. Улар аввалига оғриқ бериб қизаради, сўнг тугунча шаклида бўртиб чиқади, вақт ўтиши билан ёрилади ва сувсираб турувчи ярага айланади. Бу ярани даволаш қийин, чунки унинг "илдизи" анча чуқурлашган бўлади. Аслида қадоқлар икки сабабга кўра - оёқ томирларида қон айланишининг бузилиши ёки оёқ кийимининг нотўғри танлангани оқибатида юзага келади. Айрим кишилар қадоқ пайдо бўлган жойга дорихона пластирини ёпиштириб, узоқ вақтгача юраверадилар. Агар қадоқни бошланиш пайтидаёқ даволанса, у ярага айланиб кишига азоб бермайди. Бунинг учун нима қилиш керак? Сиз халқ табобатида қўлланиб келинган қуйидаги усулдан фойдаланинг. Қайнаш даражасига етган иссиқ сувни тоғорачага қўйиб, бир ош қошиқ истеъмол содаси ва икки ош қошиқ шампун қўшинг. Сув совигунига қадар оёқни буғлайсиз. Сўнг қадоқ пайдо бўлган жойга озиқлантирувчи суртма кремни қуюқ қилиб сурасиз. Кейин оёққа ип газламадан тикилган пайпоқ кийиб оласиз. Бу муолажани ҳар куни ётишдан олдин бажарсангиз, бир ҳафта ичида қадоқлар тузалиб кетади. Оёқларда қадоқ пайдо бўлишига оддий ҳол деб қарамаслик керак. Бордию, қадоқлар вақтида муолажа қилинмаса, узоқ вақт битмайдиган ярага айланади. Замонавий тиббиётда бундай яралар суюқ азотда куйдириш йўли билан даволанади. Бу усул эса анча оғир кечади...

# САРИМСОҚНИ КЎП ЕЙИШ ЗАРАРЛИМИ?

Саримсоқпиёз илк бор етиштирила бошланганидан буён юзлаб хасталикларга даво бўлиб келмоқда. Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино саримсоққа таъриф бера туриб: "У ҳар қандай хасталикка шифо" ( дея айтиб ўтган. Ибн Сино қайнатилган саримсоқ ёки унинг кўклам пайтидаги баргларини сурункали нафас қисиши, сил, ошқозон-ичак ва ички шамоллашларни тузатувчи дори сифатида тавсия этган. Қадимги ҳинд табиблари эса кишиларга саримсоқпиёз бўлаклари билан тўлдирилган салла ўрашни, ҳатто саримсоқ доначаларини ипга тизиб, тақинчоқ ўрнида бўйин ва қулоқларга тақиб юришни маслаҳат берганлар. "Саримсоқпиёз ўлат(вабо)ни ҳам даволайди", дейишган кўҳна табиблар. Уларнинг ёзиб қолдиришларича, саримсоқ шарбати билан қўл-оёқлар ва бутун тана артиб турилса кишига ҳеч бир касаллик "ҳужум" қилолмас экан! Демак, саримсоқни доимо истеъмол этадиган киши дунёдаги энг соғлом кишидир. Чунки, саримсоқпиёз юздан ошиқ касалликларга даво, у ангина, грипп, овоз бўғилиши, йирингли балғам, юрак, қон-томир, ошқозон-ичак, подагра, тутқаноқ, пссориаз, уйқусизлик сингари кўплаб хасталикларни тузатади. Бундан ташқари, саримсоқпиёз танани "ёшартиради", ҳатто кексайишнинг олдини олувчи махсус эликсир ҳам саримсоқпиёздан тайёрланади! Хўш, шундай экан, саримсоқпиёзни доимий истеъмол этиш киши организми учун зарарли эмасмикин? Бу ҳақда замонавий тиббиёт қандай маслаҳат беради? Айтиш мумкинки, ҳар бир киши (ҳомиладор аёллар бунга кирмайди) кунига оз-оз миқдорда саримсоқпиёзни еб юриши зарарли эмас. Уни таъби тортганлар хом ҳолида, қайнатиб ёки турли таомларга қўшиб, шунингдек сабзавотли салатларга аралаштириб истеъмол этиш мумкин.

# СИЛ КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАНИНГ

Сил касаллиги билан боғлиқ эпидемиологик вазият бутун жаҳонда, ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам сўнгги йилларда анча ёмонлашди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти берган маълумотларга кўра, сил касаллиги ҳозирги вақтда заминга таҳдид солиб турибди.

Юзага келган вазиятни ҳисобга олган Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти Силга қарши курашни давлат ҳамда давлатлараро даражада ҳал этилиши керак бўлган устувор муаммо деб белгилади.

СИЛ - бу маккор касаллик. Ёш болага инфекция юқтирадиган манбаа. Агар яқин-атрофдаги кишиларнинг бирортаси касал бўлса - оила аъзолари, қўшнилар ва айниқса ёш болалар учун хавфли.

Касал одам эҳтиёт чораларини кўрмайдиган бўлса, хавф-хатар ортиб боради. Касал одамлар йўталганда ҳавога бир талай, ўта майда суюқлик томчилар отилиб чиқади. Кўчада ёки шамол ўтиб турадиган хонада майда томчилар хаво харакати билан чиқиб кетади, лекин, хоналарда, автобусларда ва тор жойларда, улар хаводa узоқ қолиб, бемор йўталган сайин қуюқлашиб бораверади.

Она касалланган бўлса ўз чақалоғи ёки ёш боласи учун хавфли. Чунки улар мулоқотда бўлишади. Маълумки, ёш болалар эмланиш жадвалига асосан эмланиб туриладилар. Қизамиқ ва кўкйўтал организмнинг силга қаршилигини пасайтириб юбориши мумкин ва гўдак мана шу касалликларнинг бирини бошдан кечирадиган бўлса, сил авж олиб кетиши мумкин.

Болалардаги силни сезмай, уни ўтказиб юбориш осон. У унчалик сезилмайди. Сил тананинг ҳар қандай қисмида намоён бўлиши мумкин, лекин худди катта ёшлардагидай йўтал қон аралаш балғам билан ўтмаслиги мумкин. Болаларда сил билан зарарланишнинг ўзига хос симптомлари, кўриниши бор. Бу симптомлар баъзи болаларда бирданига авж олиб бошланиши, баъзи болаларда эса секинлик билан бошланиши мумкин. Аввалом бор онанинг саломатлиги, ҳомиланинг кечиши, чақалоқнинг туғилиш жараёни, унинг соғлиги ва эмланишлари, ёш гўдакнинг ўсиши, унинг турмуш тарзи, овқатланиши ўз вақтида шифокор назоратига олиб борилиши шарт. Касалликнинг олдини олиш учун ёш болаларни шифокор кўригидан ўз вақтида ўтказиб туриш зарур.

**Ф. КОМИЛОВА**
**Тошкент вилояти, Саломатлик маркази ходими**

# Табобатнома

# МИГРЕН АЁЛЛАР КАСАЛЛИГИМИ?

Мигрен (кучли бош оғриғи) хуружидан азоб тортадиган аёллар эркакларга нисбатан уч баробар кўпчиликни ташкил этаркан. Шунинг учун бўлса керак, мигрен аёллар хасталиги сифатида тилга олинади. Кузатишлар натижасидан сўнг шу нарса маълум бўлдики, мигреннинг юзага келиши бир қанча сабабларга бориб тақаларкан. Масалан, ёзув столи (ёки компьютер) олдида одатдагидан узоқроқ қолиб кетдингиз. Ёки бир неча муддат ноқулай ҳолатда ўтириб ишладингиз. Бу вақтда бўйин мускуллари ва елка тортишиб таранг ҳолатга келди. Ё бўлмаса қизиқроқ бир китобни бир-икки соатча пастга энгашиб мутолаа қилдингиз. Хуллас, шундай ҳоллардан бирида ҳам мигрен хуружи бошланиши ҳеч гапмас. Сиз хуруждан олдин қандай таомлар истеъмол этганингиз ёки танангизда қандай ўзгаришлар содир бўлгани хусусида ўйланг. Масалан, таом ва ичимликлар (шоколад, кофе, қора чой, қатиқ, сир (пишлоқ), дудланган колбаса кабилар) таркибидаги нитрат, тирамин ва кофеин моддалари бош мия томирларини торайтиради, натижада мигрен хуружи бошланади. Шунингдек, аналгин таркибига кирувчи хапдориларни бир неча маротаба қабул қилганингизда ҳам мигрен юзага келади. Яхшиси, аналгин, аспирин, цитрамон сингари дорилардан воз кечинг. Агарда мигрень ҳайз олдидан бошланса, аёллар кўпроқ тоза ҳавога чиқишлари айниқса уйқу олдидан бир оз сайр қилишлари керак. Умуман, мигреннинг олдини олиш учун психологларнинг маслаҳатига кўра, киши ўзидаги салбий ҳиссиётлардан чалғиши, яъни эртанги кунга умид билан қарашга одатланмоғи зарур. Кучни бир жойга жамлаш, уни тўғри йўналтира билиш, мумтоз мусиқаларни тинглаш. Вақтни хушнудлик билан ўтказиш, меъёрида ишлаш ва кечқурунлари табиат қўйнида сайр қилиш... Буларнинг ҳар бири кишида ижобий ҳиссиётларни жўш урдиради, руҳга осойишталик бағишлайди, тана ҳолатини меъёрига келтиради. Қарабсизки, мигрен сиздан узоқлаша бошлайди, хасталикдан буткул фориғ бўласиз.

# СУВ ИЧИДА... МУОЛАЖА!

Агар бу муолажани сиз ухлашдан олдин бажарсангиз борми, тун ярмида безовта қиладиган айрим хасталиклардан осонгина қутуласиз қўясиз. Аслида сув муолажаси халқ табобатида қадим-қадимдан қўллаб келинган. Унинг бир неча хил усуллари ҳақида сўз юритамиз. Ювиниш олдидан иссиқ сув тўлатилган идиш (тоғора ёки ванна) ичига 300-400 грамм миқдорида туз соласиз. Туз эригунича сув ҳарорати ҳам сал пасаяди. Бу сувда ювинишингиз жараёнида (яъни 20-30 дақиқа вақт ичида) сизнинг танангиз ором олади, юрак фаолиятингиз яхшиланади, терингиз таранг тортади. Ёки сиз бу сув ичига туз ўрнига горчица (хантал) солсангиз, бош оғриғидан халос бўласиз. Бордию сув ичига лимонўт (мелисса) ва бир-икки ошқошиқ асал солсангиз асаб тизимингиз ижобий қувват билан бойийди. Қичитқиўт, райҳон, мойчечак, исириқ каби шифобахш гиёҳлар қайнатмасини халтачаларга солиб, ўзингиз ювинаётган иссиқ сувли ванна ичига қуйсангиз, чўмилишдан сўнг енгил тортасиз, жамики иллатли дардлар сиздан узоқлашади. Хуллас, сув муолажаси сизнинг ҳаётий фаоллигингизни ошириб, кучингизга куч, қувватингизга қувват қўшади.

# БЕТОБЛИКНИНГ АСЛ САБАБИ...

Машҳур башоратчи Ванганинг фикрига кўра, кишидаги хасталиклар маълум бир сабабга кўра бошланаркан. Яъни, қандли диабет ва пссориаз (қичима)нинг келиб чиқишига кучли стресс, қўрқув, қайғу-ҳасрат ва ички изтироблар сабабчи бўлса, ошқозон яраси ўта иссиқ овқатни тановвул этиш ва оғир руҳий кечинмалар туфайли пайдо бўларкан. Шунингдек, моддалар алмашинувининг бузилиши нотўғри овқатланишдан, астма жуда совуқ ичимликни ичишдан, шишлар эса урилишдан кейинги зарба теккан жойларни вақтида даволатмасликдан сўнг юзага келаркан. Буйрак оғриғи қаттиқ совуқ қотиш оқибатида, аёллардаги кўкрак мастит эса ўта тор кийим кийишдан кейин, бефарзандлик эса жинсий аъзолар яллиғланишига бепарволик натижасида ривожланади, дейди болгар башоратчиси Ванга. Демак, ўзини ички ва ташқи таъсирлардан эҳтиётлаган кишигина хасталикка чалинмасдан юраркан.

# ХУРРАК ЎТА ХАВФЛИ ЭКАН

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида япониялик хирург биринчи маротаба хуррақни жарроҳлик йўли билан даволади. У 23 ёшли беморнинг танглайидаги юмшоқ тўқимадан бир қисмини кесиб ташлаб, уни бу одатдан халос этди. Бундан маълумки, хурракнинг бир қанча хавфли томонлари ҳам бор. «Кучли хуррак оғир касаллик хабарчиси», дея таъкидлашади замонавий шифокорлар. Чунки, қаттиқ хуррак тортаётган кишининг нафас олиши бирданига тўхтаб қолиши ҳам мумкин экан! Умуман хуррак тортиш нафас олишнинг бузилиши билан бирга кечади. Бунда уйқу яхши бўлмайди, натижада киши кундузи ланж бўлади, боши оғрийди, тез-тез асабийлашади, қуввати озаяди. Хўш, хурракнинг сабаблари нимада? Тиббиётчиларнинг кузатишларича, бурун тўсиқларининг айрим сабабларга кўра қийшайиши, бурун ичидаги ўсимта (полип)лар, муртак безларининг катталашиши, бурун бўшлиғининг яллиғланиши ёки семириб кетиш оқибатида хуррак тортиш одати пайдо бўларкан. Баъзида болалар ҳам уйқусида хуррак отадилар, бу ҳол эса уларнинг бурун ёки нафас йўлларидаги безларнинг катталашуви сабабли юз бераркан.

Хурракнинг олдини олиш мумкинми? Албатта мумкин. Аввало семириб кетишдан сақланинг. Чалқанча ётиб эмас, ёнбошингиз билан ухланг. Уйқудан олдин спиртли ичимликларни ичмаган маъқул. Ухлатувчи дориларни қабул қилиш одатидан воз кечинг, негаки уйқу дорилари мускуллардаги ҳаётий фаолликни сусайтиради, бу эса хурракни юзага келтириши мумкин. Бордию, бир неча кун ухлай олмай, нафас олишингиз оғирлашаётганини сезсангиз, қулоқ-томоқ-бурун касалликлари шифокорига мурожаат этишингизга тўғри келади. Ана шундагина хурракнинг олдини олган бўласиз.

*«Табиб-табиб эмас, бошидан ўтказган табиб», дейди халқимиз. Дардни бошдан кечирарканмиз бировимиз югуриб шифокорга ё халқ табибига борамиз. Чора изламоққа киришамиз. Бу дардни бошдан кечирганлар бўлса, улар ҳам дарҳол ундан қандай фориғ бўлганликлари ҳақида сўзлаб беришади. Хуллас, танамизни кемираётган оғриқдан қутулишнинг йўл-йўриғи борми? Бирон дардга йўлиқиб унинг чорасини табиатнинг ўзидан осонгина топганлар ҳам бор. Шундайлар бўлса, бизга дарҳол ёзиб юборинг дўсти азиз. Бу сизнинг инсон сифатидаги савоб ишингиз бўлади. Ахир соғлом танда соғлом ақл, деб бекорга айтишмаган-ку. Соғлом тана, соғлом руҳ билан ҳаёт гаштини сурмоққа не етсин.*

**Саҳифани ГУЛЖАМИЛА тайёрлади**

# МЕН БОЛАМ ДЕБ КУЯМАН...



Халқимиз қадим-қадимдан ота-онага бўлган ҳурмат, эътибор қадрлаб келинган. Бу бизнинг энг олий миллий қадриятларимиздан бири ота-она ҳам ўз фарзандидан рози бўлса Оллоҳ ҳам ундан рози бўлиб, ишларида унум, топган-тутганида барокат, хонадонидан бахт аримаскан. Шундай бахтга мушарраф бўлиб, ота-она дуосини олиб юрганлар ҳам, инсон кийимини кийиб олган-жонзодлар ҳам орамизда йўқ эмас экан.

- Ўғлим, сизга ўз фарзандимдек арзи ҳол қилаётганимдан истиҳола қилиб турибман, лекин мен кўргилигимни кўрдим, бошқа ота-она қадрига етмаётганларга ўрнак бўлсин учун менинг тақдиримни ёзинг,- дейди телефонда бир онахон.

- Ҳовли-жойни қурган мен, рўзғорни ками-кўстини умрим бўйи бутлаган ҳам ўзим. Ўғил туғиб, уни вояга етказиб, дабдабали тўй қилиб келинимнинг қўйнига солиб қўйган ҳам мен бўлсаму, ўз уйимда ортиқча бўлсам, бу нима деган гап, болам?

- Нима бўлди, онажон?

- Келиним мени 8 марта босиб урди. Ўзим бир ҳовуч суяк бўлиб қолганим учун кучим етмай "ёрдам беринглар", деб бақирсам, оғзимга ёстиқни босади: "Ўчир овозингни, бўғиб ўлдираман" деб. Бу қандай бедодлик. Уйим бошқа, ҳовлига чиқсам итни "тур", мушукни "пишт" деб менга тегизиб тўнғиллайди. Ҳовлини супуриб-сидириб менинг уйимнинг тўғрисига келганда супургини отиб юборарди, "ўзинг супур" дегандай қилиб. Индамай ўзим супураман. Охири дастурхонни ҳам бошқа қилиб олишга эришди. Нима қилай бошда қуйилиб қолар деб кўнглига қарадим, битта боласи иккита, иккита боласи учта, ҳозир тўртинчиси ҳам қорнида илоё келинларингдан қайтгур мени тоза куйдирди. Шердай ўғлимни ўргатилган итдай қилиб бўйнидан ип ўтказиб олди. Тунов куни келиним ишдалигида ўтирадиган уйга ўтиб музхонани очиб қарасам, йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Кўнглим кетиб бир бурда колбасани қирқиб олдим. Эшикдан чиқаётгандим, ўғлим келиб қолди. Қўлимдаги колбасага бир қараб қўйди. Шундай ёмон бўлиб кетдим, шундай ёмон бўлиб кетдим. Ўғлим салом берган бўлиб ёнимдан ўтиб уйига кираётган эди: "Ўғлим, кўнглим кетиб музхонадан мана бу зормандани олгандим, ма киритиб жойига қўй, хотининг сезиб қолиб бошингда ёнғоқ чақмасин тағин", дедим атай кесатиб. Ўғлим ўкрайиб бир қаради-ю, индамай уйга кириб кетди. Орқасидан кириб колбасани музхонага қўйиб чиқдим. Мен тўққиз ой юрагим остида кўтариб юрсам, кўкрак сути бериб боқсам, ювиб-тараб улғайтириб, ўқитиб, ишли, хотинли қилсаму, шунча хизматларим эвазига кўрадиганим шуми ўғлимдан? 35 ёшимда отаси оламдан ўтган эди. 3 бола билан чирқираб қолавердим. Шуларнинг кўзини ўгай отага мўлтиратмай деб турмуш қурмадим. Умримни уч боламга бағишладим. Икки қизим-ку бировнинг маҳри, ўғлим менга нимасини бағишлаяпти? Байрамлар, туғилган кунларни қарсиллатиб эру хотин ўтказишади. Ҳалиям нафақам бор экан, ўзимни ўзим эплайман. "Онажон, мана сизга бир жуфт калиш олиб келдим", деб кўнглимни олишни билмайди. Уйланмасдан олдин "онажон", деб атрофимда гирду капалак бўларди. Энди эса мен унинг учун гўё йўқдайман. Ўғлим келиним туфайли шундай бўлиб қолди. Майли, омон бўлишсин, лекин бундай кўргилик онага жуда қаттиқ ботаркан. Ўз вужудингдан пайдо бўлган вужуд сенга бефарқ бўлса бундан оғир кун бўлмас экан.

**Қўнғироқларингиз...**

*Онахон билан хайрлашаётиб ёдимга бир воқеа тушди. Бирда 98 ёшни қаршилаб турган бувимнинг ёнига кирсам, йиғлаб ўтирган эканлар. "Ҳа бувижон, нимага йиғлаяпсиз?" дедим бўйинларидан қучиб юзларидан ўпарканман: "Нимага йиғламай, мана бир ўзим қолдим. Жон-жон ўзингни жонинг экан. Қизларим ўз рўзғори билан, ўғилларим ўз рўзғори билан бўлиб кетди. Ҳар-ҳар замонда келишса-да, мен уларни ҳар куни кўргим келади. Улар мени учун ҳали ҳам ёш боладай бўлиб туюлади", дедилар. "Мен болам деб куяман, болам боласига куяди", деганлари шумикан? Ҳамиша ота-оналаримиз ҳурматини жойига қўйиб, уларнинг ҳолидан хабар олиб туришни, кўнгилларига озор бермасликни, иложи борича дуоларини олишни унутмайлик, азизлар.*

**Тоҳир НОРИМОВ**

# СЕН ҚАЛБИМ ГАВҲАРИСАН

**Сизга айтмоқчи бўлганларим**

Мен бир севгисидан айрилган йигитман. Ҳарбий хизматдан қайтгандан сўнг, яъни 2000 йил, бир қиз билан танишиб, уни севиб қолдим. У ҳам мени севарди. Бир-биримизни бир кун кўрмасак туролмасдик. Ҳарбий хизматдан қайтгандан сўнг ота-онам ва акаларим менга: "Агар бирор кўз остингга олганинг бўлса айт, уйлантирамиз", - дейишди. Оилада кенжа бўлганим сабаблими, "Йўқ, ҳали уйланмайман", деб туриб олдим. Ахийри, қистовлардан сўнг рози бўлдим. Лекин қариндошлар бизнинг севгимизга қаршилик қилишяпти. Айниқса онам. Мен ўз севгим учун кўп курашдим. Орадан икки йил ўтса ҳам уларни кўндиролмадим. Онам, аммаларим қаттиқ туриб олдилар. Оқ сут берган волидаи муҳтарамамнинг сўзларини ерда қолдиролмадим. Менга бошқа бир қизни унаштиришди. Мен ҳамон Д.ни севаман. Унаштирилган қиз эса балки мени севар, бахтли қилар. Мен-ку бахтли бўларман-а, аммо севганим Д. мени кечира олармикан?

Баъзи ота-оналар фарзандини бахтли қилмоқчи бўлишадию, бахтсиз қилиб қўйганини билмай қоладилар. Ҳаёт эса бундай хатони кечирмайди. Инсон ўз хатосининг қурбони бўлади, дейишади. Балки бу менинг хатоимдир. Ўзга қизга унаштирилган бўлсам ҳам юрак ютиб сизларга мактуб йўлладим. Менга унаштирилган қиз балки газетадан буни ўқиб хафа бўлиши мумкин. Аммо, мен очиғини айтсам виждон азобига чидолмаяпман. Мен номардлик қилдим. Нима қилай? Севиш гуноҳми? Икки ўт орасида қолганман. Менга маслаҳат беринглар. Тўғри йўл тутишимга ёрдам беринг.

«Севгилим Д., мени кечир, агар кечира олсанг. Мени тушун сени хафа қилмоқчи эмасдим. Ишқ йўлида адашдим. Сенинг олдингда айбдорман.

Бахт, севги деганларида фақат сени, сени тушунаман азизам Д., ишон! Ота-онам орзуси дея, ўз қалбим гавҳари бўлган сендек қизга ета олмайман энди. Ҳеч бўлмаса куйган қалбим изҳорини газетадан ўқирсан»...

Ҳурматли таҳририят! Мактубимни газетада чоп эттирсангиз. Мухлислар ўқиб менга тўғри маслаҳат беришар. Мактубимни шу ерда тугатаман. Сизларга умид билан мактуб ёзган ошиқ йигит

**ТЎЛҚИН**

**Қашқадарё вилояти**

# МУҲАББАТНИНГ ҚАСОСИ



Сенга фақат термулиш, сенга фақат сиғиниш мумкин эди. Буни ўзинг ҳам тасдиқлардинг, гоҳида бирор нарсани баҳона қилиб борардим. Сенинг сўзларингдан поклик ҳиди анқиб турардики, мен хиёнатга ҳиёнат билан зарба бериш хаёлимга келганидан уялиб кетардим. Оиланинг пойдевори зарб егач, қайнонам бизни кўчириб кетишга келди. Машинага юкни ортишаётган вақтда мен отамникига кетиб қолдим. Эрим орқамдан бориб ялинди ҳамки кўнмадим. Эртаси сенинг олдингга бордим, сен эса мени кетишга кўндирдинг. Эрим яна келганида бирга кетдим. Ноилож эдим. Фарзандимни отасидан айирмаслик мажбурияти ҳам бор эди бўйнимда. Неча йилдирки яна фарзанд кўришимга ўзимда ҳам шубҳа уйғонган эди. Шу туфайли бир фолчига ишим тушди. У касал бўлганимни, операция-ю, эримнинг ичкиликка берилгани, ҳаммасини аниқ айтиб берди. Ҳамширамисан? - деб сўради.

- Ўқимаганман.
- Фаррошмисан?
- Йўқ.
- Оқ халат кўринаяпти кўзимга.

Қўрқиб кетдим. Ҳаммадан яширган сирим ошкор бўлаётган эди.

Бир куни синглим гурунг бераётган эди. У гапираётган синфдошининг исми менга таниш эшитилди. У сенинг хотинингнинг исми-шарифи эди. "У, сизлар билан ўқиганми?" дея сўрадим. Синглим уйга кириб албомларини олиб чиқди. Унинг суратини кўрдим-у "Сени ҳали шунга бериб қўйдимми" деб "дод" солиб, деворга муштлаб йиғлагим келди. Суратда хунуккина қиз устимдан кулгандек қараб турарди...

## О, МУҲАББАТ

Бир неча йил олдин оёқларим оғриб, юролмай ётиб қолдим. Бир куни мени кўргани кирган қўшним кайфиятимни бузиб қўйди. Қўшнилар менинг касал бўлганимни муҳокама қилишибди, "Шунча ейдиейди семирмайди, ичида бир дарди бор", дейишибди. Демак, касал ётишга ҳам ҳаққим йўқ экан. Ҳамма нарсадан кўнглим қолди. Дардимни сенга айтишга қарор қилдим. Лекин сен туман марказига ишга ўтган экансан. Уйқусиз тунларимнинг адоғи йўқ эди. Ўзимни ухлашга қанча мажбурламайин сенинг хаёлинг кўз юмишга қўймасди. Суҳбат қураверардим-қураверардим, тонг отарда ухлаб қолардим. Гоҳо тушларимга кирардинг, сени излаб сарсон-саргардон юрган бўлардим. Суҳбат қурган тунлар эса худди ўнгимда кўргандек, бир ҳафта шодон юрардим. Ҳар сафар шу борганимда кўрмай қайтсам ўлиб қолсам керак деган хулосага келардим-у, борган вақтим сенинг ҳузурингга кирмоққа нимадир йўл қўймасди. Бу нарса ўша сен айтган ор-номус эмасмикан...

Ҳозир ҳузурингда ўтирган бўлсам-да, дардимни дастурҳон қилолмасдим. Мени кўриб севиниб кетишингнинг ўзи ҳамма дардимни енгган эди. Сенинг икки оғиз суҳбатинг менга икки йилга етгувчи дармон. Тўғриси сенга ҳавасим келади. Ахир сен менга ўхшаб юракка буйсунувчи девона эмассан. Сен ақл билан иш тутасан, шунинг учун ҳаётинг ғалвалардан холи, сокингина.

"Бахтлимисиз?" деган сўроғингни эшитмаганга олдим. Қандай бахт ҳақида гапирай? Ахир мен бахтдан воз кечиб кетганман. Нега қора булутлар айнан менинг бошимда айланди? Нега бошқалардек осуда ҳаёт менга бегона? Тақдир деймиз, мана шу тақдиримда менинг айбим қанча эди? Ота-она нима учун ўз севганига тегмоқчи бўлган қизнинг ҳолига эътибор қилмайди. Гоҳида ёшлигимга қайтгим келади. Ўша жўшқин муҳаббатимга асир бўлган ёшлик чоғларимни эслатувчи суратлар, шеърларим ҳам йўқолиб кетган. Шеърларим... мени ҳаяжонга солган туйғулар таъсирида битилган шеърларим туғилиши мумкинми? Ўтлоқдаги бойчечак каби бош кўтарсам поймол этилар эдим...

Ўйлайвериб бошим ғовлаб кетади, болаларим ҳам кўзга кўринмай куфрона хаёлга бораман. Сенга шундай термулиб ўтираверсам-ўтираверсам... Шу ҳам гуноҳ бўлса, мени чиқариб дорга осиб юборишса-ю, бир узун мотамсаро куй янглиғ умрим поёнига етса.

Умрим бўйи сени севиб ўтаяпман. Аммо бу муҳаббатимга жавобан сенинг юрагингда ишқ ўтини ёқа олмадим. Ҳаётдан, қисматимдан ана шу жавобсиз муҳаббатимнинг қасосини олмоқчи бўлишга кўп чоғландим... Аммо.. аммо мени хиёнатдан ана шу пок туйғунинг ўзи асраб келмоқда...

* * *

**Кўзларингда гина-ю-кудрат,**
**Ранжу алам кўрмасам нетар.**
**Тақдирнинг бемаврид ҳазили сабаб,**
**Ўз этимни ўзим еганим етар.**
**Айбламагил "мени кутмадинг" дея,**
**Нелар ўтганини билмайсан ахир.**
**Умр бўлсин эди сенга бахшида,**
**Севги ғанимларин енголсам бир-бир.**
**Ким ҳам сўрар эди мендан кўнглимни,**
**Орзу-ҳавасни деб бўлдим қурбонлиғ.**
**Гуноҳ кўчасидан ўтмайин туриб,**
**Бир тамға босилди мен-ёмонотлиғ.**
**Улар билмадилар менинг сен билан,**
**Ҳаёлий бир тахтда ўтиришимни.**
**Сен билан ҳаётим, сен билан фақат,**
**Сенсиз ҳижрон мени ўлдиришини.**
**Улардан қочдим-у, аммо қоқилдим,**
**Мени тутиб қолди ногаҳон бир чоҳ.**
**Йилларки яшайман бeқанот бесас,**
**Начора етмайди минг бир урсам "оҳ!"**
**Кимлар ниятига етдилар аммо,**
**Бошимга мушкуллар тушган онларда,**
**Қайларда эдинг сен менинг бедардим.**
**Мен қолдим мунғайиб икки йўл аро,**
**Мен қолдим билмайин қайга кетарим.**

**(Боши ўтган сонларда. Тамом.)**

**САРВИНОЗ**



## КАЙФИЯТИНГИЗ ЎЗИНГИЗГА БОҒЛИҚ

**Ўзингизни-ўзингиз қўлларингиз билан силасангиз бу таранг тортган асабларингизни тинчлантиради, шу билан бирга вужудингизни кемираётган безовталик, ғам-ташвиш, жаҳлингиз ҳам ўз-ўзидан йўқолади.**



### ОҒИР ЎЙ-ХАЁЛЛАРИНГИЗНИ ҚУВИБ ЮБОРИНГ

**Баъзида кўкрагингизда оғирлик сезасиз, нимадир тиқилиб қолгандек гўё... Ёқимсиз туйғу сизни безовта қилаётгандек бўлади. Бундай ҳолатдан осонгина қутулиш мумкин. Кўкрагингизнинг юқори қисмига кафтларингизни устма-уст қўйиб шу жойни секин-секин силаб босинг.**



### МАЙДА-ЧУЙДА АЖИНЛАРНИ ЙЎҚОТИНГ

**Бу машқларни ҳар куни бажаринг. Ана шунда юзингизда энди пайдо бўлаётган майда ажинлардан фориғ бўласиз. Ўрта ва ундан кейинги жимжалоғларингиз билан кўз остини оҳиста-оҳиста 9 марта уриб-уриб силанг.**



### ТЎСАТДАН ПАЙДО БЎЛГАН ИШТАҲАДАН ҚУТУЛИНГ

**Шунақаям иштаҳангиз қўзиганки... Сиз эса қоматингизни, озишни ўйлайсиз. Овқатга қўл чўзмай туринг. Қўзғалган иштаҳани мана бундай қилиб йўқотиш мумкин. 5 марта жимжилоғингизни бурун ости лаб устидаги чуқурчага 10 бор босиб-босиб олинг.**



### БОШ ОҒРИҒИНИ ДАВОЛАНГ

**Бошингизда енгил оғриқ сезаяпсиз. Дарров кафтларингизга ўсимлик ёғи, (ялпиз ёғи бўлса янаям соз) суртиб чаккангизни икки қўлингиз билан яхшилаб силанг. Оғриқ 3-5 минутдан сўнг йўқола бошлайди.**



### ДИҚҚАТИНГИЗНИ ЖАМЛАБ ОЛИНГ

**Диққатингизни жамлашга қийналаяпсизми? Тирсагингизни стол устига қўйиб, кафтларингиз билан кўзларингизни юминг. Атиги бир минутгина ташқи оламдан узилинг. Бу эса диққатингизни жамлашингизга, озгина дам олишингизга имкон беради.**



### ЎЗИНГИЗНИ МАРДОНАВОР ТУТИБ, ХОТИРЖАМЛИКНИ ҲИС ЭТИНГ

**Айтайлик, сиз муҳим бир учрашувга бораяпсиз. Ёки қандайдир бир гуноҳингиз учун бошлиқ олдига кириб ҳисоб бермоқчисиз... Ҳаяжонланаяпсиз. Бармоқларингиз учини бир-бирига қаттиқ бирлаштиринг. Сўнгра ўзингизни бўш қўйинг, эркин нафас олинг. Бу машқни ўзингизни хотиржам ва мардонавор тутгунингизча давом эттираверинг.**

## ЯШИЛ РЎМОЛ СИРИ

Талабалик йилларимда рўй берган бу воқеа ҳали-ҳануз эсимда. Айни баҳор фасли. Байрам арафасида онажонимни табриклаш учун нима совға олсам экан, деб ўйлаб юрган эдим. Бир куни ҳамхонам қўшни хонага бир аёл майда-чуйда нарсалар келтириб сотаётганини айтди. Мен ҳам қизиқиб ўтдим. Сотилаётган нарсалар ичида ўша пайтда урф ҳисобланган битта яшил тусли рўмолга ҳавасим келиб нархини сўрадим. Аёл нархини жуда баланд айтди. Шунда: "Сал туширинг, сотиб оламан", - дедим. У аёл эса: "Бош кийим савдо қилинмайди, айтилган нархимдан тушмайман", - деди. Мен ўйлай-ўйлай охири айтган баҳосида олишга қарор қилдим. Ўша пайтда 135 сўм жуда катта пул эди.

**Ажойиб-ғаройиб**

Уйга келсам онажоним касал ётган эканлар. Уйнинг тўрида кўзлари йўлимга интизор бўлиб кутган онажонимнинг бошларига келтирган совғамни ёпдим. "Э болам, овора бўлиб нима қилардинг, сен яхши ўқисанг менга шунинг ўзи совға", дея кўзларига ёш олдилар опам. Лекин кўзларида севинч порлар эди, чунки онажоним яшил рангли нарсаларни хуш кўрардилар. Хуллас, менинг совғам қўшниларда ҳам ҳавас уйғотди. Опам келгач эса, онажоним: "Кўрдингми, синглинг чиройли рўмол танлабди",- дедилар. Опам ҳам, қўшнилар ҳам рўмол нархи билан қизиқиб қолишди. Мен аввалига айтмадим, кейин эса ноилож айтдим. Шунда ҳаммаси: "Нима бало, шунча қимматга ҳам оласанми?", - дея ҳайрон бўлишди. Мен ноқулай аҳволда қолгандим. Бир тарафдан онажонимни суюнтирган бўлсам, бир тарафдан аёлларнинг "қиммат экан", дейишлари кўнглимни чўктириб юборди.

Лекин онажоним шу рўмолни олиб бошларига ёпиб ўринларидан қўзғалдилар. Опам ҳам: "Қизингиз олиб келган нарса сизга хуш ёқди, оёққа турғизиб юборди-я", - дедилар. Орадан анча вақт ўтди. Нимадир бўлди-ю, бир куни шу рўмолни бошимга олдим. Бирдан бошимда кучли оғриқ турди. Оғриқ шунчалар кучли эди-ки, дори ичиб ётиб қолдим. Онажоним ишдан келиб менинг аҳволимни кўриб қўрқиб кетдилар. Бошимдан рўмолни олиб, пешонамга совуқ, латта босдилар. Оғриқ бирдан пасайди...

Яна бир куни тўйга бормоқчи бўлиб, шу рўмолни ёпиндим. Рўмолни ўраб сал юргандим бошим яна оғрий бошлади. Рўмолни олиб ташласам оғриқ йўқолди.

Хуллас, бу ҳодисани кўп кузатдим. Рўмолни бошимга олсам, оғриқ пайдо бўлади, megдан бошқаси ўраса, ҳеч нарса қилмайди. Орадан анча йиллар ўтди. Онажонимнинг шу рўмолини яна қўлимга олдим, ёпиндим. Яна оғриқ сездим. Аста ечдиму ўйлаб қолдим, балки ростдан ҳам бош кийим учун тортишмаслик керакмикан-а?!

**Дилбар НОРМУРОДОВА**

## БИР БОҒ СОМОН ЖОЙИДА ЙЎҚ ЭДИ...

Онамнинг опа-сингиллари кўп эди, улар бир-бирларига меҳрибон, доимо йиғилишиб дийдорлашиб туришарди. Шундай йиғинлардан бирида катта холам ўзининг тушини сингилларига кула-кула гапириб берибди:

- Тавба, ғалати туш кўрибман. Эмишки, ҳовлимизда сомонлар боғлам-боғлам қилиб қўйилганмиш. Ғарамларнинг бири катта, ёнидагиси кичикроқ, қолганлари майда-майда эмиш. Шу пайт бир трактор ҳовлимизга бостириб кирибди-ю, тракторчи ҳамма ғарамларни қолиб катта ғарамнинг ёнидагисини тракторга орта бошлабди. Мен унга: "Ҳой, нега уни олиб кетаяпсан?" - дебман. Ҳалиги тракторчи: "Бу ғарамнинг жойи энди бу ерда эмас", деганмиш бамайлихотир. Ҳай-ҳайлаганча уйга кирибман, сўнг яна чиқибман, қарасам, бир боғ сомон жойида йўқ, тракторчи аллақачон кетиб бўлганмиш...

Бу тушни эшитиб холаларим бир-бирлари билан кўз уриштиришиб олишибди, айниқса онам хавотири ошиб: "Опа, соғлигингиз жойидами ишқилиб. Ўзингизни асранг. Тушга нималар кирмайди, дейсиз. Яхшиликка йўйсак, яхшиликка бўлади", дедилар. Холаларим шу кун кўнгиллари ғаш тортиб тарқалибдилар.

Бир неча кун ўтиб катта холам мени чақириб: "Онангга айт, ҳамма холаларингни бизникига эргаштириб келсин, дастурхон ёзаяпман", дедилар. Шу куни катта холам ош дамлаб ҳамма меҳмон қилди, алламаҳалда уйимизга тарқалдик. Эртасига тушдан сўнг холамнинг кичик набираси бизникига шошиб келди. "Бувимнинг мазаси бўлмай қолди, бораркансизлар" деди. Онам югуриб чиқиб кетди. Холам бирпас онам билан гаплашиб ўтирибдилар-да: "Мендан рози бўлинглар" дебдилар. Онам: "Нега бундай дейсиз, яхши бўлиб кетасиз", деб юпатибдилар. Йўқ. Холам "яхши" бўлиб кетди, аксинча... Шу куни бандаликни бажо келтирдилар. "Тушга ҳамма нарса кираверади" дейдиган онам ўшандан кейин доимо туш кўрсалар яхшиликка йўйиб, садақа атаб юрадиган бўлиб қолдилар...

**ТУШ таъбирномаси**

**Чўлпоной МЕЛИҚЎЗИЕВА**

***Одамзод бу дунёда яшаркан ажойиб-ғаройиб воқеаларга гувоҳ бўлади. Қизиқ-қизиқ тушлар кўриб, таъбирини ҳам излаб топади. Азиз дўстлар, бизга ҳаётингиздаги турли ғаройиботлар ҳақида ёзиб юборинг. Ахир, "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил", деган гап бор. Дилнинг дилдан қувват олиб яшашига не етсин!***

***Демак, сиз кўрган тушлар, ажойиб-ғаройиб воқеалар газетамизни безайди. Айни дамда кўнгилларга қувват бағишлайди. Мактубларингизни ҳар куни интиқиб кутамиз!***

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ



**ҚЎЙ**
**(21.03 — 20.04)**
Оилани муқаддас билинг. Турмуш ўртоғингиз соғлиги ҳақида қайғуришингиз керак. Шанба, якшанба кунларида уйда бўлишга ҳаракат қилинг.



**СИГИР**
**(21.04 — 21.05)**
Сизнинг кўнглингиздан кечган ниятлар қўл етмасдек туюлаяпти. Аммо, шу кунлар ичида ушалиши мумкин. Фақат асабийлашманг. Ҳамкасбларингиз билан хушмуомала бўлинг.



**ЭГИЗАКЛАР**
**(22.05 — 21.06)**
Яхши дамлар келди. Сиз янги тижорат ишлари бошлаб келгусида бойиб кетишингиз мумкин. Иш давомида ғоят тежамли бўлиб, пулни беҳуда сарфлашдан ўзингизни тийганингиз маъқул.



**ҚИСҚИЧБАҚА**
**(22.06 — 22.07)**
Сизни танқид қилишди. Хафа бўлманг. Сиз анча қўполлик қилганингизни тан олинг. Имкон қадар хушмуомала бўлинг. Бахту хотиржамлик калити ўзингизга боғлиқ эканлигини унутманг.



**АРСЛОН**
**(23.07 — 23.08)**
Ўткинчи ҳисларга берилманг. Анча саросимага тушгансиз. Ишонингки, омад сизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатингизга боғлиқ. Билиб ишингизни қилинг. Аммо шошмасликни маслаҳат берамиз.



**БОШОҚ**
**(24.08 — 23.09)**
Ижод оламининг эшиклари очилиб, сизга бахту-омадлар ёғилади. Эсанкираб қолманг. Сизга берилган бу имкониятни қўлдан бой берманг.



**ТОРОЗУ**
**(24.09 — 23.10)**
Рўзғорингиздаги зарур ишларингизни ниҳоясига етказинг. Фарзандларингиз даврасида барча муаммоларни унутиб кўнгилли ҳордиқ чиқаринг.



**ЧАЁН**
**(24.10 — 22.11)**
Тақдир сизга анча маблағга эга бўлиш имкониятини беради. Шу ҳафта олди-сотди ва турли шартномалар тузишингиз учун жуда қулай вақт.



**ЁЙ**
**(23.11 — 21.12.)**
Кутилмаганда ташриф буюрган меҳмонлар сабабли оилавий муносабатларингиз дарз кетиши мумкин. Лекин ишхонангизда хушхабар кутмоқда.



**ТОҒ ЭЧКИСИ**
**(22.12 — 20.01)**
Ҳафта сизга фароғатли ва осойишта кунларни ҳадя этади. Йиллик якуний ишлардан кўнглингиз тўлмайди. Янги куч-ғайрат билан иш бошланг.



**ҚОВҒА**
**(21.01 — 18.02)**
Сизни шу ҳафтада ўзига хос синовлар кутмоқда. Агар сабрли, озгина хушмуомала бўлсангиз синовлардан муваффақият билан ўтасиз.



**БАЛИҚ**
**(19.02 — 20.03)**
Оилангизда ҳамма сизни яхши кўради. Сиз ҳам яқинларингиз меҳрига меҳр қайтаринг. Сизнинг келажагингиз оила аъзоларингизнинг ғамхўрлигига боғлиқлигини унутманг.

## ТАҚДИРИМНИ СИНАМОҚЧИМАН...

Ёшим 37 да, ҳалигача уйланганим йўқ.Табиатан вазминроқ бўлганим сабабли қизлар билан танишишнинг уддасидан чиқа олмайман. Аммо хўжалик ва рўзғор ишларини яхши эплайман, қўлимда ҳунарим, ўз қизиқиш ва орзуларим бор. Ичмайман, чекмайман. Ёмон кишилар билан ошначилик қилмайман. Ишим юзасидан баҳорда Россияга кетмоқчиман. Шу сабабли бирор бир қиз билан танишиб, тақдиримни синаб кўрмоқчиман.

Агар мен билан танишиш ниятидаги қизлар бўлса менга мактуб йўллашлари мумкин. Мен сигир, чаён, қисқичбақа буржи остида туғилган қизлар билан танишмоқчиман.

**МИРЗА**

**Тошкент: 700142**
**Талаб қилиб олгунча**

## ҚАЛБИМДА АРМОНИМ БОР.

Асли марғилонликман. Ота-онамнинг ихтиёри билан, сўраб-суриштирмай, кўрмай-нетмай турмушга чиқдим. Аммо қанча уринмай, ҳаётимиз яхши бўлмади. Чунки турмуш ўртоғим ҳаддан ташқари ичкиликка ружу қўйган эди.

4 йил бўлди, ажралишдик. Иккита ўғлим бор, каттаси 17 ёшга, кичиги 15 ёшга кирди. Ҳаётда мен ҳеч қандай яхшилик кўрмадим. На яхши эр, на яхши турмуш, на уй-жой... Умрим армонда, афсусда ўтмоқда.

Қувасойда 3 - хонали хонадонимиз бор. Аммо ўғилларим "Андижондан ҳеч қаерга кетмаймиз, чунки шу ерда туғилдикми, шу ерда яшаймиз", деб туриб олишди. Шу-шу Андижонда, ижарада яшаяпмиз.

Умр, вақт ўтаяпти. Менинг эса қалбимда армонларим бор: яхши турмуш ўртоғим бўлса, тайин уй-жой, ҳаловатим бўлса. Оилам тинч, турмуш ўртоғим билан ўзаро иззат-ҳурматда яшасам...

Агар мен ва 2 та ўғлим борлиги малол келмаса, турмуш қуриш нияти бўлган бирор иймонли эркак билан танишмоқчиман.

Ўзим бир эмас, бир неча касбни эгаллаганман - ўқитувчиман, чеварман, ижодкорман. Фақат бахтим йўқ, уй-жойим ҳам тайин эмас...

Таклифим маъқул келса, мен билан боғланмоқчи бўлган инсон ўзи ҳақида - касби, маълумоти, моддий аҳволи тўғрисида, иложи бўлса, шу кунлардаги сурати билан хат йўлласа...

**Т. ПАРПИЕВА**

**Андижон шаҳри - 710019**
**Талаб қилиб олгунча**

## ЎЗ ТЕНГИМНИ ТОПСАМ...

Мен шу йил 3 декабр 2002 йил сонида берилган "Мени тушунганни, мен ҳам тушунаман", қаҳрамондек деб номланган мақолани ўқиб, ўз-ўзидан кўзларимга ёшлар келди, чунки бу инсоннинг ҳаёти менинг ҳаётимга ўхшаб кетаркан. Мен ҳам 5 йилдан буён ёлғиз яшайман. Мен яшаган муҳитда ҳам инсон қадридан кўра мол-дунёни юқори қўйишган. Қадри-қимматсиз яшагандан кўра, ёлғиз яшайман, деб ажрашдим. Уйдагилар қаттиқ туришди. Мен хоҳламадим. Кейин-кейин совчилар кела бошлади. Лекин мени турмуш қуришдан кўнглим қолди. Очиғи қўрқдим яна адашсам, нима бўлади деб ўйладим. Уйлагилар ҳадеб турмушга чиқишим ҳақида гапиравerganidan кейин онам: "Одамлар гапиришади ахир қизим, қизининг айби бор экан", - дейишади, дегандан кейин, бир қарорга келдим. Уйдагилар билан акаларим, опаларим билан маслаҳатлашиб: "Мен ҳозирча турмушга чиқмайман", - дедим. Совчиларнинг жавобини бериб юборинглар деб: "Бу ерда юришим малол келса, одамлар кўзига ёмон кўринаётган бўлсам, рози бўлсанглар Тошкентга кетаман. Ўша ерда ўқиб ишламоқчиман. Орзунинг эрта-кечи йўқ. Худо хоҳласа ўз тенгимни ўзим топаман. Энди ўзимга қўйиб беринглар", - дедим. Уйдагилар ҳам мени тушунишди чоғи, ҳаммалари рози бўлишди. Ҳозирда опамникида яшаб келаяпман. Поччам билан бирга ишлаяпман. Ҳозирги ҳаётимдан мамнунман. Лекин барибир инсон ёлғиз яшай олмас экан. Менинг хат ёзишимдан мақсадим шуки, кўпчилик инсонлар шу газета орқали танишиб бахтли ҳаёт кечиришаяпти. Шунинг учун мен ҳам ўз бахтимни синаб кўрмоқчиман. Шу инсон билан танишмоқчиман. Мен ҳам аслида водийликман. Ёшим 27да. Мен ҳам шу инсондай "Мени тушунганни, мен ҳам тушунаман", яхши орзу-умидлар билан яшаб юрибман. Ҳар куни Худойимдан яхши инсон билан танишиб, бахтли ҳаёт кечиришни сўрайман ва албатта шу орзуимга етаман, деб ўйлайман.

**ҲАЁТХОН**

## ЎЗГАЛАР ҲАЛОВАТИ ДЕБ

Бундан бир неча йиллар аввал ота-онамнинг хоҳиши билан уйландим. Аслида ҳалибери уйланиш ниятим йўқ эди. "Уйланмайман" деб оёқ тираб туриб ҳам олдим. Аммо онамнинг кўз ёшларини кўриб, нолилож рози бўлдим. Онамнинг дугонаси бир қизни мақтаб-мақтаб келин қилишимизга кўндирган эди. Хуллас, мен у қиз билан учрашишдан авввал яхшилаб сўраб-суриштирдим. Уни таниганлар "яхши қиз эмас" дейишди. Мен бу гапни онамга айтдим. Иккаламиз онамнинг дугонасиникига бордик ва бор гапни айтдик. Шунда у бу гаплар ёлғон эканлигини, қиз уларнинг қудаларининг фарзанди, яхши қиз эканлигини қайта-қайта айтиб бизни ишонтирмоқчи бўлди. Барибир менинг кўнглим хижил эди. "Уйланмайман, тўй куни ўзингиз борасиз, мен бўлмайман!", дедим онамга . Онам: "Ота-онаси ҳурматли кишилар. Отаси ўқитувчи... Агар мени десанг....", деб кўз ёш тўкишга тушдилар. Онамнинг кўз ёшларини кўриб этим жимирлаб кетди ва "Ўзингиз биласиз", деб чиқиб кетдим.

Орадан уч кун ўтиб "Фотиҳа тўй"ими бўлди. Ўша маросим куни аммамга бир аёл хат ташлаб кетибди. Унда "Кўзларингни каттароқ очинглар. У қиз бир пайтлар уйидан қочиб кетган. Яхши қиз эмас" деб ёзишган экан... Хатни олиб онам, аммам, холаларим уларникига боришди. Қудалар эса "Бизнинг душманларимиз ҳам жуда кўп. Бу ўшаларнинг ғийбати" деб уларни ишонтириб юборишибди. Уйдагилар ҳам "Ҳақиқатдан ҳам чиройли қизларни кўплар кўролмайди", деб кўнишди...

4 кун ўтиб тўй бўлди. Умримда мен танимаган қиз хотинимга айланди. Шу куни келиннинг акаси онамнинг дугонаси(унинг қайнонаси)никига чақиртирди. Бордим. Менга: "Бугун ичмасанг, қачон ичасан" деб мажбурлаб ароқ ичирди... Маст ҳолда уйга келиб ухлаб қолибман. Ўзимга келгач... Хотинимни тушуниб, "Майли бахтимдан кўрай, шарманда бўлмай, тушуниб яшаб кетарман", деб ўйладим ва бу сирни уйдагиларга айтмадим. Лекин янгасини чақириб, ўзининг олдида айбини бўйнига қўйдим...

...Хотинимга "Уйда ўтирасан" деб 3 йиллик "Оила ва жамият" газетасини олиб келиб: "Ўзингга тегишли хулоса чиқарарсан" деб бердим. У 2 ой уйда ўтирди. "Зерикдим, ишлайман" деди. Болалар боғчасига ишга киргизиб қўйдим. Ана шундан кейин ҳаммаси бошланди. Уйдагиларга, менга ҳеч нарса демай ўз уйига кетиб қола бошлади. Бир икки марта опаси билан юрганини кўриб, уйга олиб келдим. У эса барибир кўчага чиқиб кетарди. Мен хотинимни ёмон йўлда юрганини кўрганим йўқ, лекин унинг ҳеч кимга огоҳлантирмай ишдан чиқиб кетиб қолиши мени ташвишга соларди. Мен унга ахлоқи, ўзини нотўғри тутаётганини тушунтирмоқчи бўлсам, мен билан бараварига




айтишадиган бўлди. Бир куни онасини бошлаб келибди. Қайнонам: "Тор қорнимга сиққан, кенг ҳовлингга сиғмай қолдими?" деб қизини олиб кетиб қолди. Етти кун деганда яна қайтариб олиб келдик. Аммо ҳафта ўтмай, яна қилиғини бошлади. Бир кун ишдан келсам, уч ойлик келинчак синглимни пешонсини ёриб, онам билан ҳақоратлашиб, уришиб ётган экан... Хуллас, катта умидлар билан қурилган оиламдан дарз кетди... Мени уйлантириб қўйиш учун бел боғлаган онамнинг дугонасининг ҳам асл мақсади бошқа экан. Хотинимнинг келинойиси ўша аёлнинг қизи бўлиб, келин билан қайинсингил "ит-мушук" экан. Шу сабаб ундан тезроқ қутилишнинг ягона йўли уни узатиш бўлиб, бу ишда мен восита бўлибман холос....

Мана менинг бошимдан ўтганларим. Ҳаётдан умидим катта эди. Лекин мен кутгандек бўлиб чиқмади. Мени тушунадиган, мени қийин кунларимда ҳам суядиган инсон бормикан? Чинакам бахт менга насиб этармикан?

**НАЗАР**

**Самарқанд вилояти,**
**Жомбой тумани**
**Инд. 704506**
**Талаб қилиб олгунча**

## ОРЗУИМ – МЕҲРИБОН КЕЛИН, ВАФОЛИ ЁР БЎЛИШ...

2 йилдан "Оила ва жамият" газетасининг бирор сонини ҳам қолдирмай ўқийман. Ҳаётимда мен учун катта хурсандчиликларга сабаб бўлаётган воқеалар бевосита газетага алоқадор. 2002 йилда 4 та мақолам босилиб чиқди... Яна бир орзуимни амалга оширишда "Оила ва жамият"га суянмоқдаман. Севимли газетам орқали мен ҳам ўз бахтимни топмоқчиман.

Ўзим ҳақимда: ёшим 25 га ўтди. От мучали, Қавс буржи остида туғилганман. Бўйим баланд, буғдойранг, рус мактабини тугатганман. Маълумотим олий, ўқитувчиман. Аммо шахсий ҳаётим яхши бўлмади, ажрашганман. Истагим, мени севадиган, оилам, уйим-жойим дейдиган, илмли, инсофли, иш жойи тайин, ота-онасини меҳрибон келин, ўзини севимли, вафоли ёр бахтига муяссар қила оладиган қалби пок, ёши 25-35 гача бўлган эркак билан танишиб, оила қурмоқчиман. Уни ардоқлаб, севиб, бахтли қилиш орзусидаман.

**МАҲМУДА**

**Андижон вилояти**

## ҲАРБИЙ ЙИГИТЛАРГА ҲАВАС ҚИЛАМАН

Мен ҳам севимли газетам орқали ўз бахтимни топмоқчиман...

Ёшим 26 да. Маълумотим ўрта-махсус. Мактабни битирганимдан бери давлат ишида ишлайман. Яхшигини касб-корим бор. Ақлҳушим жойида, кўринишим ҳам яхшигина. Мақтанмоқчи эмасману, ўзбек гўзалларидан бириман. Сариштали, пазанда қизман, айниқса, пишириқлар пиширишга устаман...

Мард, ўзини ва ўзганинг ҳурматини жойига қўядиган, оилам, рўзғорим деб қайғурадиган, топармон-тутармон, бирор бир касб-кор эгаси бўлган йигит билан танишмоқчиман. Ҳарбий йигит бўлса жуда ажойиб бўлар эди, чунки ёшлигимдан буён ҳарбий йигитларга ҳавасим келади...

**НАСИБА**

**Навоий вилояти,**
**Қизил-тепа, инд.706700**
**Талаб қилиб олгунча**

## ОЛДИНГА ИНТИЛИБ ЯШАЙЛИК

Севимли газетамнинг ҳар бир саҳифасини қизиқиб ўқийман. Баъзи мақолаларни ўқиб "Инсоннинг пешонаси бунчалар шўр бўлмаса" деб ўйласам, баъзиларидан "Бахтли ҳаёт кечириш инсоннинг ўз қўлида экан-ку?" деган хулосага келаман. Тушкунликка берилган инсонларга газетанинг мухлиси, оддий инсон сифатида маслаҳат берардим: "Бу ўткинчи дунёда фақат умид қилиб, олдинга интилиб яшашимиз керак экан. Бугун қилган меҳнатнинг албатта бир кун роҳат-фароғати бор. Барчаси ўзимизга боғлиқ".

Мен ҳам ҳаётда ўз бахтимга, келажагимга ишониб, курашиб яшаётганлардanман. Шу сабаб газетанинг 47- сонида "Бахт ҳадя этаман" мақоласининг муаллифи Василахон исмли қиз билан танишиш ниятидаман. Менинг фикрларим унга маъқул келса, ўзим ҳақимда қисқача маълумот келтирмоқчиман:

Ёшим 21да, Тошкент шаҳрида яшайман. Талабаман - Тошкент Давлат Авиация институтининг сиртқи бўлимида таҳсил оламан, шу билан бирга, Тошкентдаги яхши бир корхонада ишлайман ҳам.

Василахон, истасангиз, яқиндан танишайлик, мактуб орқали бир-биримизни тушуниб, синашиб олайлик. Манзилим таҳририятда.

**КОМИЛ**

*Эслатма: Азиз мухлислар. Аввал хабар берганимиздек, "Қайда ўзи ўша бахт?" рукнига юборадиган хатларингизда сиз билан боғланиш мумкин бўлган манзил, исми-шарифингиз ёки алоқа бўлимидаги абонент рақамингиз аниқ кўрсатилиши лозим. Таҳририят мухлисларнинг кейинги шахсий муаммоларини ҳал қилишни ўз зиммасига олмайди. Демак, сиз хатларингизни тўғридан, тўғри эълон эгасига йўллаш имконига эгасиз ёки таҳририятга ҳам юборишингиз мумкин.*

**Сизларга бахт тилаймиз!**

**"Қайда ўзи ўша бахт?" дея йиллар давомида қийналиб юрган, азиз дўст? Дилингизни "Оила ва жамият"га очинг! Сиз кўпдан излаган, интиқ бўлган бахтнинг ўз қўлингизда эканлигини унутманг!**

**Биз эса ҳар бир мухлисимизнинг бахтли бўлишини, ҳар бир оиланинг бахт ёғдусига бурканишини истаб қоламиз!**

**Агар бахтингиз очилишига "Оила ва жамият" сабабчи бўлса, бошимиз осмонга етади.**

*Саҳифани Ҳ. ҲОТАМБОЕВА тайёрлади*

# ЙИГИТНИНГ ЕТМИШ ҲУНАРИ БЎЛСА



Кўримсизгина дўкончаларда иш тикиб ўтирган косибларни кўп кўргансиз. Ўзига хос сабру-тоқат, маҳорат талаб қиладиган бу ҳунари жуда осон кўринади, аслида-чи?

Баъзан оилада эркакнинг кўйлагининг тугмаси тушиб қолса вақтида қадаб қўйишни, йиртилиб қолган кийимини тикиб қўйишни ёки эр истаган таомни тайёрлаб қўйишни аёлнинг вазифаси дейишади. Аммо эрнинг вазифаси-чи? Рўзғорда эр бажариши керак бўлган, майда-чуйдадек туюлган юмушлар ҳам кўп. Хўш, муҳтарам эркаклар уларни бажаришнинг уддасидан чиқа олишармикан? Этикдўзнинг оддийгина ҳунарига ҳам ҳар доим ишимиз тушиши рост-ку? Эркаклар шуни қандай уддалайдилар?

Эргашбой ака Тоштемиров асли андижонлик. У Олой бозорида этикдўзлик билан шуғулланади. Бу ҳунарни отасидан ўрганган. У билан суҳбатлашганимизда бу ҳунарнинг ҳам ўзига яраша фалсафаси борлигига ишонч ҳосил қилдик.

Инсоннинг хулқи кийимидан билинади.

Қўлимга таъмирталаб пойабзални тутқазишганидаёқ мижозларимнинг кимлигини биламан қўяман. Дарров шунга қараб муомала қиламан. Одамзоднинг феъли турлича бўларкан. Кирчир пойабзалнинг эгалари тажанг, серзарда бўлишади. Йиртиғини тикиб яроқлатиб мойлаб берсангиз ҳам раҳмат дейиш ўрнига тўнғиллашиб кетишади. Улар оилада ҳам ҳаммани безор қилиб юборишади. Тоза, ихчам қилиб ўраб келинган оёқ кийимларининг эгалари эса бебаҳо оила бошлиқларидир. Рўзғорни батартиб, расамадди билан бошқаришади. Яхши дўст ҳам бўла олишади.

Баъзи мижозларимизнинг пойабзалидан бадбўй тер ҳиди келади. Эгасига айтсангиз ранжийди. Ана шундай кишиларга: "Тақсир, оёғингиз оғрийди чоғи. Сиз анави растадан бир боғлам мойчечак ва ялпиз олиб оёқларингизни ванна қилсангиз фойдаси катта. Кейин бирор малҳамдан суриб қўйсангиз ҳам бўлади", - дейман. У хурсанд бўлиб ташаккур айтади, мен ҳам хурсандман — мижозимни йўқотмайман.

Аслида оилали ҳар бир эркак этикдўзликдан хабардор бўлиши шарт, деб ҳисоблайман. Буни ҳар бир эркак билиши зарур.

Касбимизнинг оддийлиги рост. Аммо бизга иши тушмайдиганлар кам. Кўчага бош яланг чиқиш мумкиндир, аммо оёқяланг ҳеч ким чиқа олмайди. Кутилмаганда яп-янги пойабзалингизнинг тагчарми узилиб кетди. Уйдасиз, лекин ишга кетишингиз керак. Ёки фарзандларингизнинг оёқ кийимида шундай муаммо чиқиб қолди. Ана шунинг учун ҳам уйда ҳар бир эркакнинг ўзига яраша устахонаси, асбоб ускуналари бўлиши керак. Шунда кутилмаган муаммоларни бирпасда ҳал қилиш мумкин.

Масалан уйда "Нейрид", "Дисмакон" елимлари ва майда михчалар (уларнинг 4 дан 10 гача бўлган ўз рақамлари бор), турли этикдўзлик пичоқлари, мих суғурадиган, мих қирқадиган кичик омбурчалар бўлгани зарар қилмайди. Энг кўп ейилиб кетадиган тагчарми учун эса "Полюартиан","-Микроворд" бўлакларини олиб келиб қўйилса зарур бўлганда ишлатиш қийин эмас. Уни ҳар қандай ўлчамдаги тагчарм учун мослаб кесиб олиб ёпиштирилади. Зарур бўлса михчалар билан қоқиб маҳкамланади-да, чети қумқоғоз билан ишқаланади. Ҳар бир эркак кунига бир марта бўлса ҳам оила аъзоларининг оёқ кийимларини кўздан кечириб, мойлаб қўйса қандай яхши. Шунда оёқ кийимларингиз кўпга чидайди. Бу ҳам рўзғорга фойда келтиради, албатта. Пойабзални ҳечқачон иссиқ печ ёнида қуритмаслик керак. Мойлагандан кейин сунъий толали мато ёки бахмал парчалари билан артилса ҳар қандай чармни ҳам яроқлатиб юборади.




Ахир бизни ҳар куни тўрт томонга элтадиган оёқларимизнинг ўзи бебаҳо-ку! Шунинг учун уларга кийиладиган пойабзалимизни ҳамма ҳавас қилгудек қилиб яроқлатиб кийишимиз зарур. Чунки, "Дўст бошга, душман оёққа қарайди", деган гап бекорга айтилмаган.

Эргашбой ака уч фарзандини ота касби, этикдўзликликдан топган ҳалол пули эвазига боқади. Шунга яраша рўзғори ҳам тўкис. У киши айтгандек эркакларнинг уйда ўз мўъжаз устахоналари бормикан? Бўлмаса албатта асбоблар топиб, ҳаракат қилиш зиён қилмайди. Буни ҳар бир эркак ўйлаб кўриши зарур эмасмикан?

**БАСИРА**



**Ҳар бир хонадонда этикдўзликка асқотадиган мана шу асбобларингиз бўлсин.**

# БУНДАЙ ЮМУШЛАРДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

◎ Агар рўзғорда ишлатадиган челагингиз тешилиб қолса, уни ташлаб юборишга шошилманг. Агар қўлингизда уни жиддий таъмирлаш учун ускуна бўлмаса, полиэтилен маҳсулотлари билан челакни ямай олсангиз, у сизга ҳали кўп хизмат қилади.

Бунинг учун полиэтилен парчасини челакнинг тешилган қисмига жойлаштириб уни ҳар икки томонидан ёндириб эритамиз. Суюқланган полиэтилен челак тешигини беркитади...

◎ Қиш кунлари ҳовлингиз ва унинг атрофидаги йўлакчаларни қордан тозалайдиган ёғоч куракка қор ёпишиб қолавермаслиги учун куракнинг пастки ва устки томонига парафин суртилади.

◎ Агар болаларингизни эски резина коптоги тешилиб, яроқсиз бўлиб қолган бўлса, ундан бошқа мақсадда фойдаланиш мумкин.

Коптокни ўртасидан иккига бўлиб, бўлинган қисмини ҳам ўртасидан озгина тешиб рўзғорда ишлатадиган ток қайчингизга "кийдиришингиз" мумкин. Ҳосил бўлган "қалқон" қўлингизга ўсимлик ва гулларнинг тиканлари киришидан асрайди.

◎ Маълумки, кўпгина совутгичлар ишлаётган маҳалда билинар-билинмас тебраниб туради. Бу совутгич учун нормал ҳолат ҳисобланмайди. Бунинг учун совутгичнинг орқа қисмидаги агрегатга 0,5-1,5 кг. миқдордаги юкни жойлаштириб қўйиш керак. Шунда совутгич ўчиб-ёнишида маълум тебранишлар кузатилмайди.

◎ Рўзғорда жуда кўп ишларни қойилмақом бажарадиган эркаклар баъзан жуда оддий ишларни уддасидан чиқаолмасликлари мумкин. Масалан, оддий майда михни белгиланган жойга, яна маълум бурчак остида қоқиш. Айниқса, михни жойига ўрнатиб олиш ва болға билан биринчи уринишлар осон кечмайди. Бунинг энг осон, қулай йўли бор. Пластилиннинг кичкина бўлакчасини мих қоқиладиган жойга ёпиштириб, қўлингиздаги михни унга ўрнаштириб қоқасиз. 1-2 та зарбадан кейин пластилин бўлакчасини олиб ташласангиз ҳам бўлаверади.

**Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА**
**тайёрлади**

# ОЁҚ КИЙИМИНИ АСРАШ ҚОИДАСИ

◎ Оёқ кийимингизни кўчадан келишингиз билан ечиб ён атрофларига ёпишган чанг ва лойдан тозалаб, олдин намланган латта билан, сўнг қуруқ ва тоза латта билан артиб қўйинг.

◎ Агар оёқ кийимингиз ҳўл бўлиб кетган бўлса, эски газеталар ёки намликни тортадиган қоғозларни пойафзалингиз ичига тиқиб қўйинг.

◎ Пойафзал ичига тўшаладиган тагликни ҳар 2-3 кунда бир марта олиб қуритиш керак.

◎ Ҳўл пойафзалларни иситиш мосламалари ёнига қўйиб қуритиш ярамайди. Бунда пойафзалнинг шакли бузилиб, торайиб қолади, устидаги чарм ўзининг қайишқоқлик хусусиятини йўқотиб қотади.

◎ Агар пойафзалингиз қуриб қолган бўлса, пойафзал кремидан қуюқроқ қилиб суртиш керак. Бунда тиш шёткаси ёки махсус пойафзал шёткасидан фойдаланасиз. Оқиш пойафзалларга рангсиз крем суртиш мумкин. Лекин рангсиз кремни ранги тўқ ва қора пойафзалларга суртиб бўлмайди. Мабодо фойдаланилса, ранги хиралашиб қолади. Қуюқ кремга озроқ скипидар қўшиш мумкин.

◎ Крем суркалгандан 5-10 минут ўтгандан сўнг шётка билан яхшилаб ишқаланади. Сўнг духоба билан.

◎ Пойафзалингиз жудаям ифлосланган бўлса уни илиқ сув билан ювинг. Кетмайдиган эски доғларни, моғорларни бензин, лимон ёки пиёзнинг суви билан тозалаш мумкин. Сўнг рангсиз крем суртиб асл ҳолига келтирилади.

◎ Чарм пойафзалдаги мойли доғларни ош содаси эритмаси билан тозаланади.

◎ Оқ пойафзалдаги доғларни юмшоқ ўчиргич билан ишқалаб тозалаш мумкин. Агар доғ шунда ҳам кетмаса бензинга озгина магнезия қўшиб шу эритма билан артиш яхши натижа беради.

◎ Чарми тескари қилиб тикилган пойафзаллар резина шётка билан тозаланади. Нашатир спиртга ботирилган пахта билан артилади ва қуригандан сўнг қум қоғоз билан усти текисланади.



◎ Лакланган пойафзалларга крем суртилмайди. Шунинг учун бундай пойафзаллар пиёзнинг мағзи ёки тухумнинг оқи яхшилаб аралаштирилиб артиладида. Устидан духоба ёки юмшоқ латта билан артиб қўйилади. Юмшоқ бўлиши учун касторка ёғи ёки глицерин суркалади.



◎ Замшдан тикилган пойафзаллар қуритилгандан сўнг махсус темир ёки резина шёткалар билан тозаланади. Бунда қум қоғоздан ҳам фойдаланиш мумкин. Пойафзалнинг туклари текисланиши учун қайнаб турган чойнакнинг буғига тутиб туриш мумкин. Агар замшдан бўлган пойафзалингиз кийилавериб ялтиллаб қолган бўлса, буни иссиқ сувда намланган латта билан артиб қўйиш керак. Яна бир йўли темир шётка билан тозалаб кўриш керак. Унда ҳам доғлари кетмаса картошка унига бензин қўшиб қилинган бўтқа билан артиш керак. Ёки нашатир спиртининг сув билан аралашмаси (1:3) билан артиб сўнг сув қўшилган сиркага латтани ҳўллаб артиш керак.



◎ Жигарранг замш пойафзалларни қуюқ кофени суртиб шётка билан тозалаш мумкин.

◎ Трикотаждан матолардан тикилган пойафзални устки қисмини бир чой қошиқ нашатир спиртни бир стакан сув эритмасига қўшиб тозаланади, сўнг тоза сувда ҳўлланган латта билан артилади.



◎ Резинадан бўлган пойафзалларни тозалашда фақат сув билан ювилади. Ичига тўшаладиган тагликларни марганцовкали ёки бирон бир дезинфекцияловчи модда қўшилган суюқликда ювиб олинса, оёқларда юз берадиган моғорлашнинг олдини олиб нохуш ҳидини йўқотади.

◎ Ҳар куни кийилмайдиган оёқ кийимларини чангдан асраб олиб қўйиш керак. Бунда оёқ кийимлари ичига юмшоқ қоғозлар ёки махсус тайёрланган калоткалар солиб қўйилади.

◎ Қишлик пойафзалларга нам ўтмаслиги учун эски шерст матолардан: сукно, драпдан бўлган эски кийимлардан тагликлар кесиб олиниб, пойафзалингиз размерига қараб икки-уч қават қилиб солиб қўйишингиз мумкин. Тагликларни БФ-6 клейи билан клейлаб қўйсангиз янада мустаҳкамроқ бўлади.

◎ Пойафзалингиздан ғарч-ғурч овозлар чиқадиган бўлса ва бу ўзингизнинг ҳамда атрофингиздагиларнинг ғашига тегадиган бўлса, бунинг учун ўсимлик ёғини қиздириб, кечқурун эрталабгача суртиб қўйинг.

◎ Баъзида янги пойафзал товонингизни сиқади. Уч фоизли сиркали сув билан артиб қўйсангиз кифоя. Агар янги олган пойафзал оёғингизни сиқаётган бўлса ичини сиркали сув ёки одеколон билан яхшилаб намланг-да 2-3 соат кийиб юринг.

◎ Кастор ёғи чармдан бўлган пойафзаллар учун энг яхши ёғ ҳисобланади. Чармни юмшатади, намликни ўтказмайди узоқ вақт чармнинг асл ҳолатини сақлашда қулай восита ҳисобланади.

◎ Турли ботинка ва этиклар учун бирор бир ёғга қўй ёғини аралаштириб фойдаланса ҳам бўлади.

◎ Ер қаттиқ музлаб сирпанчиқ бўлиб қолганда йиқилиб тушишдан сақланиш учун пойафзалингиз остини ацетон ёки бензин билан тозалаб "Марс", "Феникс" ва "Момент" кремларидан илон изи шаклида суркаб қуритиб кейин кийиш яхши фойда беради. Қиш давомида бир неча марта бу усулни такрорлашингиз мумкин. Бир парча жундан, ёки эски кигиздан бўлган латтани кесиб олиб пойафзалингиз остига клейлаб қўйиш ҳам яхши фойда беради.

◎ Этикларнинг молниясини бузилишдан асраш учун вақти-вақти билан канофолининг спиртли аралашмасини суртиб қўйиш керак. Шунда улар узоқ вақт бузилмайди.

**Лола АҲМЕДОВА**
**тайёрлади**

# ЎЗ СЎЗИДАН ҚАЙТМАГАН ОШИҚ

Муҳаббат аталмиш соҳира туйғу лаззатларидан маст бўлган, кейинчалик унга етолмасдан "севги бутунлай ёлғон ҳис", деб таъкидловчи кимсалар кўплаб топилади. Балки, баъзилар учун шундайдир. Лекин муаззам ҳаётнинг турфа "ҳунар"лари борки, муҳаббат дунёда бор, деган қарорга келишга мажбур бўлганлар ҳам бисёр. Камина ҳам ҳофиз айтганидек: "Бахт тўйи"дан сармаст бўлган ошиқлардан.

7-синфда ўқиб юрганимда мусофирчиликдан толиққан ота-онам ўз туғилган жойига қайтиб келишди ва мен шу ерда ўқишимни давом эттирдим. Бу ер менга қадрдон бўлиб қолганлиги боис, мослашиб кетишим қийин бўлмади. Янги синфдошлар, янги ўртоқларга тез фурсатда ўрганиб олдим.

Синфимиздаги Х. исмли қиз менга ёқарди. Унга гоҳида сирли қарашлар қилар, кечалари у ҳақда ўйлаб тонг оттирардим. Муҳаббат аллақачон юрагимни забт этганини англаб етдим. Унга дил изҳоримни баён этишга ботина олмасдим. Ҳар ҳолда янги келган бола... Кунлар бирбирини шоша-пиша қувиб, мактабни тамомлаш фурсати ҳам етиб келди. Биз фақат юқорига интилардик. Ниятимиз бирор олий ўқув юртига кириб, у ерда таҳсил олиш эди. Шу сабабдан синфдошлар билан бўладиган битирув кечасида ҳам иштирок этмадим, "қайдасан Тошкент" дея пойтахт сари равона бўлдим. Ўшанда қаттиқ хато қилганимни энди тушуниб етдим. Ахир инсон умрида мактабни битирув кечаси бир марта юз беради-ку.

Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факултети талабаси бўлдим. Шунда ҳам синфдош қизга бўлган муҳаббат ўти сўнмади. Таътилларда уйга борганимда Х. ни кўришга ошиқар, кўрганимда эса юрагим жиз этиб кетарди. Ниҳоят, унга дил изҳоримни билдирдим. Бу ҳақда ота-онамга ҳам айтдим. Кўплаб насиҳатлар, ўгитлар гирдобида қолдим. Аммо ҳеч ким аҳдимдан қайтаролмади. Хуллас, совчилар икки дил риштасини боғлашди. Унинг ошиқлари кўп эди. Улар орасидан "улоқ"ни тортиб кетганлигим учун жанжаллашишга ҳам тўғри келди. Ҳозирда Х. Қарши Давлат университетида таҳсил олмоқда.

Мана, бу воқеага ҳам 2 йилдан ошди. Ўтган фурсат мен учун унутилмас таассуротлар тухфа этди. Демоқчи бўлганим, муҳаббати учун курашган инсон албатта ўз ёрига етади. Муҳаббат бор бу дунёда!

**Қосим РИЗАЕВ,**
**ЎзМУ 4-босқич талабаси**

## Хатлар

# МУАЗЗАМ АЯНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

Куз ойлари эди. Бетоб бўлиб шифохонага тушиб қолдим. Мен билан бирга Муаззам ая деган бир онахон ҳам ётардилар. У кишининг кўзлари нимагадир ғамгин эди. Муаззам ая интиқ бўлиб деразага термулиб кимнидир кутардилар. Ўзлари тенги онахонларнинг гоҳ ўғиллари, гоҳ набиралари, гоҳ келинлари келишса ая уларга ҳавас билан қараб хўрсиниб қўярдилар. У кишини кўргани ҳеч ким келмасди. Мен эса: "Ўғилқизларингиз борми", деб ботиниб сўрай олмас эдим. Бир куни ўзлари менга дардларини айтиб қолдилар.

- Олти нафар фарзандим бор, - дея гап бошладилар ая. - Уларни отасиз катта қилдим. Ҳам она, ҳам ота бўлиб оқ ювиб, оқ тарадим. Бир касб эгаси қилдим, негаки дадаларининг орзуси шу эди. Ҳеч кимдан кам бўлишмасин деб, кечаю кундуз меҳнат қилдим. Оқибатда соғлиғимни йўқотдим, оёғим оғрийдиган бўлиб қолди. Ҳар йили кузда шишиб кетади. Кўзларим ҳам хиралашиб бораяпти. Негадир фарзандларим охирги пайтларда мени чиқиштирмай қолишган. Мен ўзимни оилада ортиқча эканлигимни ҳис қиламан, на илож, энди кучқувватим йўқ, болаларимнинг қўлига қараб қолганман. Ҳозир ҳамма фарзандларим яхши ишларда ишлашади. Катта ўғлим шаҳарда туради. Лекин мен билан гаплашишни ҳам истамайди. Шифохонага ётмасимдан олдин уйига озроқ пул сўраб бордим.

Ўғлимга: "Озгина пул бериб тур, нафақамни олишим билан қайтариб бераман, жон болам, эртага шифохонага ётмоқчи эдим, дори-дармонимга озроқ пул етмаяпти, укангда ҳам йўқ экан", - десам, ўғлим: "Йўқ, қизимни ўқишга киритмоқчиман, ортиқча пулим бўлганда берардим", - деди. «Пулсиз шифохонага ётдим», - деб Муаззам ая юм-юм йиғлардилар. Мен ҳар қанча юпатмайин ая кўз ёшларини тутиб туролмасди, ўксиб-ўксиб кўз ёш тўкардилар. Чунки, уларни ҳеч кимлари йўқлаб келмаётган эди-да. Ўша 6 та фарзанд ҳатто бирон маротаба оназизнинг аҳволи қалай экан, дея келишмади.

Яхшиям ҳамширалар бор, бироз бўлсаям кўнгилларини кўтариб туришарди. Кунлар ўтиб аяга жавоб беришди. У кишини фарзандлари келиб олиб кетишмади. Охири ҳамшира қиз уйларига олиб бориб қўйди. Ая кетгач қалбим ҳувиллаб қолди. Худди фариштадек беғубор аяни ўша бағри тош фарзандлари қандай қилиб кўзлари қийиб хор қилишган экан.

Мен у кишининг уйлижойли фарзандларига насиҳат қилишга ёшлик қиламан. Лекин бу воқеани кўриб кўрмасликка олиб, юзимни четга буриб кетишни ўзимга лойиқ, деб топмадим. Менинг ҳам бувим бор. Бувижоним уйимизнинг қуёши, ойига ўхшайдилар. Бувим бир куни бизни тарк этиб кетишларини ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади. Ҳафиза аянинг фарзандлари оналарисиз, набиралари бувисиз қандай яшашар экан?

**Дилноза КАРИМОВА**
**Тошкент**

# СЎНГГИ УМИДИМИЗ СИЗДАН

Яқинда мен газета дўконига сотувчи бўлиб ишга кирдим. Севимли газетамизнинг 37-сонидаги "Эътиром" сарлавҳаси остида чоп этилган мақолани ўқиб сизларга мактуб ёза бошладим. Мени Самарқанд Давлат Тиббиёт институти неврохирургия ва неврология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор, республикамиздаги таниқли жарроҳлардан бири Абдураҳмон Мамадалиев ва Хосиятхон опалардан илтимосим бор. Менинг турмуш ўртоғим 1958 йилда туғилган. Аммо 1999 йилнинг 13 августидан бери кўзлари кўрмаяпти. Қон босимлари кўтарилиши натижасида мияларига қон қуюлиб, кўзга келадиган нервларни қисиб турибди. Вилоят касалхонасида 6 кун, Тошкентдаги нейрохирургия шифохонасида 15 кун даволатдик. Шифокорларнинг айтишича, тамографиянинг жавобида менинг, анухол деб ёзилган. Ўзимизнинг Ғиждувон туманида ҳам Россиядан келган кўз шифокорларига кўрсатдик. Вилоят кўз касалликлари шифохонасига ҳам олиб бордик. Ҳеч қандай натижа бўлмади. Касал одам жуда ҳам инжиқ бўлиб қоларкан. Ҳар куни у кишига бир қути сигарета олиб келиб бермасам, сиқилиб қолади. Қийналиб кетдим.

Уч нафар фарзандим бор. Уларни едириб ичиришни ўзи бўлмайди ахир. Рўзғорнинг барча ташвишлари менинг бўйнимда. Кеча хўжайинимга: "Сизни Самарқандга олиб бориб даволатамиз, насиб бўлса кўзларингиз очилиб кетади",- десам, қувонганидан йиғлаб юборди. У кишига қўшилиб ўзим ҳам йиғладим. Азиз Абдураҳмон Мамадалиев! Бизнинг энг катта умидимиз сизлардан. Зора мана шу "Оила ва жамият" газетаси сабабчи бўлиб сизлар билан учрашсак. Сизнинг табаррук қўлларингиз теккач хўжайинимнинг кўзлари тузалиб кетса. Яратганнинг ўзи сизларни қўллаб-қувватласин. Бизга эса дадамизнинг қувонган порлаган кўзларини кўриш насиб этсин.

Агар ана шу хатимизни ўқисангиз бизга жавоб ёзинг. Қачон, қаерга боришимизни, қандай ҳужжатлар керак эканлигини билдиринг.

**Феруза АКРАМОВА**

**Бухоро шаҳри,**
**Шарқ 1, 51 уй, 9 хона**

*Бу саҳифани ўқиркансиз хаёлга толдингиз. Ҳаёт сўқмоқлари... Қаранг, улар нақадар хилма-хил... Барча яхшиликка интилади, бахтли бўлишни истайди. Омад ва омадсизлик, бахт ва бахтсизлик эса ўз қўлимизда. Ҳаёт сўқмоқларида ўзингиз дуч келган яхшилик ва ёмонлик ҳақида ёзиб юборинг, азизим.*

# ФОЛБИН АМАКИНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

Мактабни битиргач, университетга кириш учун тайёргарлик кўра бошладим. Кечасию, кундузи бошимни китобдан кўтармай химия фанининг химик моддаларини сув қилиб ичиб юбордим. Афсуски, адабиёт фанидан сал оқсоқланиб қолдим. Белгиланган тест саволларини еолмадим... Қишлоғимиздаги кутубхонада ишлай бошладим. Иккинчи йили дадам, "Бу йил ўқишга кирсанг кирдинг, бўлмаса турмушга берaман",-дея шарт қўйди. Мен яна барча нарсани йиғиштириб қўйиб тайёргарлик кўришни бошладим. Бир куни университет ҳовлисида Мавлуда исмли қиз билан танишиб қолдим. У: «Сиз бошингизни қотириб ўқиб юрманг. Эртага бир жойга олиб бораман. Шаҳарда донғи чиққан "фолбин амаки" бор. Бир марта "куф-суф" қилса борми, барча ўқитувчиларнинг қўллари қалтираб сизга энг юқори бални қўйганини билмай қолади»,-дея мени ишонтирди. Мавлуда айтган "фолбин амаки"ни кўриш иштиёқи мени туни билан қийнаб чиқди

Эртасига битта "бомба" музқаймоғи эвазига янги дугонам мени шаҳар четидаги "фолбин амаки" яшайдиган уйга олиб борди. Мен у амакини... йўқ... йўқ ўша йигитни кўриб ҳайрон қолдим. Чунки у ерда мен ўйлаган 70-80 ёшлардаги оппоқ соқолли, бошига салла ўраб, эгнига чопон кийган отахон эмас, 30-35 ёшлардаги келишган бир йигит ўтирарди. "Чиқмаган жондан умид" дедиму, йигит кўрсатган жойга бориб ўтирдим. У қўлларимни кафтлари орасига олиб бир муддат ушлаб туриб нималарнидир ўқиди-да, елкамга икки марта уриб қўйди. Сўнг қўлимга ҳар хил материаллардан тўпланган майда-чуйда ипчалар тўпламини тутқазиб: "Ушбу ипчаларни имтиҳонга олиб кириб кетасиз. Уларга дуо ўқиб, толаларининг ҳар бири ила ўқитувчиларнинг кўзини боғлаб қўйдим",-деди. Мен унга айтилган суммани бериб қушдай енгил бўлиб университетга отландим. Бу янгиликдан ўзимга таниш икки-учта дугоналаримни ҳам огоҳ қилгандим улар ҳам "фолбин амаки"га боришди. Хуллас, ўша кундан бошлаб тайёргарликни йиғиштириб қўйдим. Аммо шундан кейин Мавжудани бошқа кўрмадим. Имтиҳон куни ҳалиги ипчаларни бир амаллаб ўзим билан олиб кириб кетдим. Фикру хаёлим жодулар билан банд бўлиб, тест саволларини кўнгилдагидек еолмадим. Қолаверса, яхши тайёргарлик кўрмаганим ҳам панд бериб қўйди.

Тест жавобларини билиш учун бориб фамилиялар қайд этилган доскага назар солар эканман баданимдан муздай тер чиқиб кетди. Чунки менинг фамилиям энг кам бал йиққан абитуриентлар қаторида турарди. Шундай қилиб мен алданганимни билиб қолдиму, аммо додимни кимга айтишни билмай зор-зор йиғладим. Чунки ҳамма айб ўзимда эди. Кейинроқ эшитишимча, Мавлуда ўша фолбин йигитнинг хотини бўлиб, улар тирикчилик учун Тошкентга келишган экан. Мен каби неча-неча содда қизлар уларнинг найрангларининг қурбони бўлдик. Агарда мен ўз фикримда қатъий турганимда, эътиқодим мустаҳкам бўлганида ҳозир 3-курс талабаси бўлиб мазза қилиб ўқиб юрган бўлардим. Афсуски, лақмалигим боис ўз омадимни қўлдан чиқардим. Дадам билан тузган шартномага мувофиқ турмушга чиқиб, ҳозир "қайнонамнинг мактабида" аъло баҳоларга ўқиб юрибман. Ҳурматли қизлар, ҳар кимнинг гапига ишониб мен каби алданиб юрманг.

**НИЛУФАР**

*Саҳифани Н. ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади*

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 34-25-46

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 38. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади - 20905
Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИҚОВ.